

Ақл-заковатли,
юксак маънавиятли
кишиларни тарбиялай
олсаккина, олдимишга
қўйган мақсадларга эриша
оламиз, юртимизда
фаровонлик ва тараққиёт
қарор топади.

Ислом КАРИМОВ



САНОАТЧИЛАР, ОЛИМЛАР ВА ИНВЕСТИТОРЛАРНИ БИРЛАШТИРГАН ЯРМАРКА

**“Ўзэкспомарказ”да Маданият, таълим, соғлиқни сақлаш
ва ижтимоий ҳимоя масалалари комплексининг тармоқ саноат
ярмаркаси бўлиб ўтмоқда.**

Мамлакатимизда таркибий ислохотларни фаол давом эттириш, муҳим иқтисодий тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-

қувватлаш орқали замонавий ва рақобатбардош иқтисодий тармоқларни шакллантиришга доир амалга оширилаётган чора-тадбирлар иқтисодий юксалишнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини сақлаш имконини бераётир.

(Давоми 3-бетда.)

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ТОМОНИДАН ТАКЛИФ ЭТИЛГАН, КОНСТИТУЦИЯГА КИРИТИЛАЁТГАН ТУЗАТИШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ МУҲИМ ҚОНУННИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик
палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонунчилик ташаббуси тартибда киритилган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш мажлиси кун тартибдаги бош масала бўлди. Ушбу ҳужжат, аввало, давлат ҳокимияти тизимини янада демократлаштириш, давлат бошқарувининг энг муҳим принципларини амалга оширишнинг конституциявий механизмларини такомиллаштириш — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқлари мустақиллиги ва тенглиги, ваколатлари мутаносиблигини, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг самарали ишлашини таъминлашга қаратилган.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқишга тайёарлаш чоғида унинг асосий ғоя ва қоидаларини муҳокама этиш ҳамда чуқур ўрганиш юзасидан бир қанча учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилди. Уларда сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти институтлари

вакиллари, мутахассис ва олимлар, юрист-хуқуқшунослар иштирок этдилар. Қонун лойиҳаси сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг мажлисларида, Қонунчилик палатаси кўмиталарида фаол ва кенг муҳокама қилинди. Ана шу муҳокамалар пайтида депутатлар давлатимиз раҳбарининг қонунчилик ташаббусларини тўлиқ қўллаб-қувватладилар, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритилаётган тузатишларнинг ўз вақтида қўйилгани ва муҳимлигини қайд этдилар.

Депутатлар давлатимиз раҳбарининг ушбу ташаббуси Ўзбекистонда ўзини тўлиқ оқлаган ислохотларнинг “ўзбек модели” асосида амалга оширилаётган демократик, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни янада чуқурлаштириш, давлат қурилиши ва конституциявий тузумини изчил ўзгартириш ҳамда демократик янгилаш жараёнларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришини алоҳида таъкидладилар.

(Давоми 2-бетда.)

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ МИНТАҚАВИЙ АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ КЕНГАШИНИНГ ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкент шаҳрида 2014 йил 28 март куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШХТ МАТТ) Кенгашининг навбатдаги йиғирма тўртинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғиз Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси ва ШХТ МАТТ Ижроия кўмитаси вакиллари иштирок этди.

Мажлисида ШХТ МАТТ Кенгашининг ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашига ШХТ МАТТнинг 2013 йилдаги фаолияти тўғрисидаги маърузаси лойиҳаси маъқулланди. ШХТ МАТТ Ижроия кўмитаси директори Чжан Синьфэннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизм-

га қарши курашиш бўйича 2013—2015 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, шунингдек, ШХТ МАТТ Кенгаши қарорларининг амалга оширилиш жараёни тўғрисидаги ахбороти тингланди. ШХТ МАТТ Ижроия кўмитасининг ўтган даврдаги фаолияти ижобий баҳоланди.

(Давоми 2-бетда.)



Yilning eng yaxshi fan o'qituvchisi — 2014

Умумтаълим муассасаларининг энг илғор, изланувчан, ташаббускор ўқитувчиларини аниқлаш, уларнинг қobiliяти ва маҳоратини юзага чиқариш, самарали методларни омаллаштириш мақсадида ташкил этилган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2014» кўрик-танловининг республика босқичи бошланди. Унинг биринчи навбатида вилоятларда толибикни кўлга киритган энг сара ўқитувчилар она тили ва адабиёт, инглиз тили, француз тили, давлат ва ҳуқуқ асослари, жисмоний тарбия, география, бошланғич таълим, биология фанларидан тўрт тур бўйича баҳоларга киришилди.

ЭНГ САРАЛАР НАВБАТДАГИ ТУРГА ЎТАДИ

Биринчи (сиртки) турга кўра иштирокчиларнинг дарс бериш технологияси акс эттирилган 15 дақиқалик видеодарси баҳоланди. Ўз фани бўйича белгиланган мавзу юзасидан дарсга тайёргарлик кўришга баъиланган 2-турда иштирокчиларга 2 соат вақт ажратилди. Уларнинг компьютер техникаси ва қўшимча адабиётлардан фойдалани-

ши ҳакамлар томонидан қузатиб борилди. 3-тур — “Таълим сифатини оширишда амалга оширмақчи бўлган ишлар” мавзусидаги тақдирот барча иштирокчиларга педагогик тажрибалари ва келгусидаги режалари билан ҳамкасбларини тўлақонли таништириш имконини берди. Кўрик-танлов шартига кўра юқоридаги

босқичларда белгиланган бални тўплаган иштирокчилар якуний турда ўзи яратган дарс ишланмаси асосида нотаниш синфда дарс ўтиш ҳуқуқини кўлга киритади.

Ғолиб ва совриндорларнинг номи навбатдаги турдан кейин аниқланади.

Азиз НОРҚУЛОВ,
“Ma'rifat” муҳбири

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДАВЛАТИМИЗ РАЎБАРИ ТОМОНИДАН ТАКЛИФ ЭТИЛГАН, КОНСТИТУЦИЯГА КИРИТИЛАЁТГАН ТУЗАТИШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ МУҲИМ ҚОНУННИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Қонун "Қучли давлатдан — қучли фуқаролик жамияти сари" деб номланган мамлакатимиз тараққиётининг бош принципини амалга оширишни бундан буён ҳам давом эттириш, мамлакатимиз Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда демократиянинг бошқа умумэтироф этилган қадрият ва нормаларининг ишончли ҳимоясини таъминлайдиган сиёсий тузумни шакллантиришда улкан аҳамиятга эга.

Депутатлар эришилган марралар, жамиятимиз ҳаётида жадал юз бераётган ўзгаришлар, шунингдек, ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш борасида биз ўз олдимишга қўйган мақсад Конституциямизга аниқлаштириш қилиш бўйича давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган қонунчилик ташаббусларига асос бўлиб хизмат қилганини алоҳида таъкидладилар.

Қонун лойиҳасини модда-модда муҳокама этиш чоғида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар Конституциянинг 98-моддасида Президент ваколатларининг бир қисmini Бош вазирга ўтказишни, умуман, Вазирлар Маҳкамасининг ваколат ва ҳуқуқларини аниқлаштириш ҳамда кенгайтиришни назарда тутадиган нормалар мустаҳкамлаб қўйилиши муҳим эканини қайд этдилар.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг зиммасига самарали иқтисодий, ижтимоий, молиявий, пул-кредит сиёсатини амалга ошириш, илм-фан, маданият, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш ҳамда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг бошқа тarmoқларини ривожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун масъулият юклатилмоқда. Вазирлар Маҳкамаси давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг ишнни мувофиқлаштиради ва йўналтиради, қонунда белгиланган тартибда уларнинг фаолияти назорат қилинишини таъминлайди. Депутатларнинг фикрича, Ўзбекистонни сиёсий ва конституциявий ривожлантириш мантигининг ўзи Вазирлар Маҳкамасининг мустақиллиги ва масъулиятини таъминлашга қаратилган ушбу қоидаларни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг аъзолари

Конституциянинг 78-моддасидаги Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини назорат қилиш бўйича парламент палаталарининг роли ва ваколатларини кенгайтиришни қўзда тутадиган янги қоидаларга эътибор қаратдилар.

Депутатларнинг фикрича, Бош вазир лавозимига номзод парламентда унинг номзоди қўриб чиқилаётган ва тасдиқланаётган пайтда ҳуқуқнинг ақин муддатга ва узок истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этиши ҳақидаги норманинг Конституцияга киритилиши сиёсий партияларга ҳуқуқматнинг тутган йўли ва дастурлари ёки унинг алоҳида йўналишлари юзасидан ўз нуқтаи назарини аниқ белгилла олиш имконини беради. Конституцияга киритилаётган ушбу тузатиш демократик жамиятнинг энг муҳим таркибий қисми бўлган парламентаризм, кўппартиявийлик тизими ва партиялараро рақобат, фракциялараро қурашнни янада мустаҳкамлашда фўят муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, қонун лойиҳасида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига доир энг муҳим масалалар юзасидан ҳуқуқматнинг ҳар йили ўз маърузаларини парламентга тақдим этиш мажбурияти назарда тутилгани ҳам бунга қўмаклашади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциясининг аъзолари Конституциянинг 103-моддасига киритилаётган қўшимчаларнинг алоҳида долзарб аҳамиятга эга эканини қайд этдилар. Мазкур қўшимчаларга мувофиқ вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг зиммасига халқ депутатлари тегишли Кенгашларига вилоят, туман, шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир энг муҳим ва долзарб масалалар юзасидан ҳисоботлар тақдим этиш мажбурияти юклатилмоқда. Халқ депутатлари Кенгашлари эса ушбу ҳисоботлар бўйича тегишли қарорлар қабул қилади.

Шу тариқа депутатлар вакиллик органларининг роли ва аҳамияти, уларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ҳақиқий имкониятлари тубдан кучаяди, шунингдек, минтақаларни ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожлантиришнинг аниқ устувор йўналишларини белгиллашда сиёсий партиялар, уларнинг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар гуруҳларининг роли анча ошади.

Ўзбекистон "Адолат" социал-де-

мократик партияси фракцияси депутатлари Конституциянинг 117-моддасига киритилаётган, мамлакатимиз сайлов тизимининг конституциявий асосларини янада такомиллаштиришга қаратилган тузатишларнинг алоҳида муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этдилар. Ушбу тузатишларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўзилиши белгиллаб қўйилмоқда. Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг мустақиллик, қонунийлик, қоллегаллик, ошқоралик, адолатлиликдан иборат асосий принциплари мустаҳкамланмоқда. Депутатларнинг қайд этишларича, кўплаб ривожланган демократик мамлакатларда сайловлар ижро этувчи ҳокимият органлари — Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги каби вазирликлар томонидан ташкил этилади. Марказий сайлов комиссиясига парламент томонидан тузиладиган мустақил конституциявий орган мақомининг берилиши эса фуқароларнинг давлат ҳокимияти органларига сайлаш ва сайланишдан иборат конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишни тўлиқ таъминлайдиган сайлов тизимини янада демократлаштириш, шунингдек, сўз эркинлиги, ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш борасидаги ҳуқуқлар қафолатларини кучайтириш йўлидаги муҳим қадамдир.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакилларининг фикрича, Конституциянинг 32-моддасига киритилаётган тузатишларда давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назорати институтининг мустаҳкамлашнни назарда тутилгани ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги энг муҳим вазифаларни ҳал этишда фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини анча кучайтиради. Ушбу норма давлат ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлашда, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда, соғлом ва барқарор ёш авлодни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Экологик ҳаракатдан сайланган депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳасида назарда тутилган янги

ҳуқуқий нормаларнинг мамлакатимиз Конституциясига киритилиши парламент палаталаридан фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўйича шакл ва усулларни янада такомиллаштиришни талаб этади. Шу муносабат билан қўриб чиқиладиган қонунлар лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш ва очик муҳокама қилиш, ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг жойларда ижтимоий-иқтисодий соҳада юзага келган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотини эшитиб бориш каби фаолият шаклларида янада самаралироқ фойдаланишнинг муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Шунингдек, депутатлар миллий давлатчилик ва сиёсий тузумни янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш учун улкан аҳамиятга эга бўлган бошқа қатор конституциявий аниқликларни ҳам қайд этдилар.

Уларнинг фикрича, Конституцияга киритилаётган тузатишлар, ўз навбатида, депутатлардан демократик ислоҳот ва ўзгаришларни муваффақиятли ва самарали амалга ошириш учун зарур бўлган, ҳаёт талаб қилган қонунларни қабул қилишни, шунингдек, ўз сайловчилари билан ишлашни тубдан яхшилашни тақозо этади. Конституцияга киритилаётган тузатишларнинг ҳаётга муваффақиятли жорий этилиши фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини оширишни, сиёсий партияларнинг юксак даражада етуқ, мамлакатимиз тақдири ва келажаги учун улкан масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр бўлишни талаб қилади.

Мазкур ҳужжатни ҳар томонлама кенг муҳокама қилиш ақунларига кўра, Қонунчилик палатаси "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)"ги Қонунни қабул қилди.

Бунда депутатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритилаётган ўзгариш ва қўшимчаларни кенг муҳокама қилишни давом эттириш, уларнинг мазмун-моҳиятини мамлакатимизнинг барча фуқароларига етказиш зарурлигини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ахборот хизмати

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ МИНТАҚАВИЙ АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ КЕНГАШИНИНГ ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

2014 йилнинг тўртинчи чорагида ШХТга аъзо давлатлар ва ШХТда кузатувчи давлатлар ўртасида халқаро терроризм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасида ҳамкорлик масаласига бағишланган иккинчи илмий-амалий конференцияни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг терроризм, сепаратизм ва

экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришни ҳамда уларнинг ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш мақсадида ШХТ МАТТ Кенгаши томонидан террористик, сепаратистик ва экстремистик йўлда фойдаланиладиган интернет ресурсларнинг Ягона реестри тўғрисидаги низоом тасдиқланди.

Хавфсизликка қўмаклашувчи халқаро кучларнинг Афғонистон Ислom Респуб-

ликасидан 2014 йилда қисман чиқарилганидан сўнг ШХТга аъзо давлатларнинг минтақавий хавфсизлигини таъминлаш ва таҳдидларга қарши курашиш бўйича қўшма чора-тадбирлари келишиб олинди.

ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг интернет тармоғидан террористик, сепаратистик ва экстремистик мақсадларда фойдаланишни аниқлаш, олдини олиш ҳамда тўсиб қўйиш борасидаги ўзаро ҳамкорли-

ги механизми тўғрисидаги низоом тасдиқланди.

ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамкорликда ўтказилган "Шарқ-Аксилтерро — 2014" аксилтерро машғулотлари ақунларига юқори баҳо берилди.

2014 йилда ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг ҳамкорликда чегара операцияларини ўтказиш тўғрисидаги қарор маъқулланди.

Кенгаш ШХТ МАТТ Ижроия қўмитаси фаолиятини ташкилий, молиявий ва қадрлар билан таъминлашга доир масалалар юзасидан қатор қарорлар қабул қилди.

ШХТ МАТТ Кенгашининг навбатдаги мажлисини 2014 йил сентябрь ойида Тожикистон Республикасида ўтказиш тўғрисида келишиб олинди.

Кенгаш мажлиси ишчанлик, амалий мулоқот ва дўстона руҳда ўтди.

ЎЗА

Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

Ватанимиз тараққиёти, дунёнинг ривожланган демократик давлатлари қаторидан муносиб ўрин олиши кўп жиҳатдан унинг-ўсиб келаётган ёш авлоднинг салоҳияти, билимга чанқоқлиги ва илму фан чўққиларини ўзлаштиришига боғлиқ. Шу боис истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ Президентимиз раҳнамолигида ёшлар учун барча шароит ва кенг имкониятларни яратиб бериш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Бу эътиборнинг самарасини ёшларимиз турли соҳаларда эришаётган ютуқларда яққол кўриб турибмиз.

Мустақиллик йилларида Сирдарё вилоятининг маркази Гулистон ҳар томонлама обод ва кўркам шаҳарга айланди. "Алпомиш" спорт мажмуаси, замонавий сузиш ҳавзаси, "Анхор" дам олиш маскани, қатор мусика ва санъат мактаблари ёшларимизни ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитларда вояга етказишдек олижаноб мақсадга хизмат қилмоқда.

Шаҳардаги барча таълим муассасалари замонавий талаблар асосида капитал реконструкция қилинди, янгилари барпо этилди. Гулистон ахборот технологиялари, Тиббиёт, Педагогика коллежларида ёшларнинг миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топиши учун барча шароит яратилган. 2013 йилда улар сафига ихтисослаштирилган мусика ва санъат мактаб-интернати қўшилди. Қарийб 1 миллиард 800 миллион сўм маблағ эвазига бунёд этилган 300 ўринли ушбу муассасада ёш истеъдод соҳиблари тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, миллий ва жаҳон классик мусикаси, эстрада йўналишлари бўйича ўз билан ва кўникмаларини бойитмоқда.

"Таълим барча учун" шиори остида ногирон, имконияти чекланган болалар инклюзив таълим асосида уйда тахсил олмақда. Уларнинг ҳар бирига алоҳида, катта ёшларига эса ҳар бир фан бўйича ўқитувчи бириктирилган.

Ийгирадман ортиқ замонавий спорт мажмуасида ҳозирги кунда 4

ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

минг 500 нафар ёш спортнинг 18 тури билан мунтазам шугулланмоқда. Уларнинг 1 минг 800 нафари қизлардир.

Яратилган бундай шароит ва имкониятлардан самарали фойдаланётган ёшларимиз нуфузли халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда. Ўтган йили 234 нафар гулистонлик ёш мамлакат миқёсида соvrинли ўринларни қўлга киритди. Дилбар Холжигитова таеквондо бўйича Осиё чempионатида кумуш медалга сазовор бўлди, Дилшод Бозоров эса эркин кураш бўйича Тошкентда ўтказилган халқаро мусобақада совриндорлар қаторидан жой олди.

Ёшлар бандлигини таъминлаш ва улар орасида тадбиркорликни ривожлантириш доимий эътиборимизда бўлиб келмоқда. Хусусан, 2013 йилда 2200 нафар ўрта махсус, касб-хўнар таълими муассасаси битирувчиси уч томонлама шартномалар асосида ишга жойлаштирилди. Юзга яқин битирувчи ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. Уларнинг 17 нафарига 86 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилди.

Бугунги кунда Гулистонда 489 на-

фар ёш тадбиркор, 200 нафар ёш хўнараманд фаолият кўрсатмоқда. Ёшларимиз электротехника ва компьютер технологиялари, дизайн ва замонавий сервис, чарм-пойабзал, қандолатчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби соҳа-

ларда бизнес юритишни маъқул қўришмоқда.

Шаҳримизнинг 4-мавзесида жойлашган Болалар шаҳарчасида ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар замонавий шароитларда тарбияланмоқда. 2013 йилда мазкур муассасада ҳомийлар кўмагида қўшимча 110 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди.

Президентимизнинг жорий йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланган. Шаҳардаги "Кенгашлар уйи"ни "Ёшлар маркази"га айлантиришга оид лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланмоқда. Бу ерда 2 миллиард 800 миллион сўмликдан зиёд капитал реконструкция ишлари амалга оширилиб, консултиватив ва соғломлаштириш марказлари, бизнес ва хўнарамандчиликка оид ўқув курслари ташкил этиш кўзда тутилган.

Гулистон туманининг шаҳарга тушар ҳудудда "Қамолот" шаҳарчаси бунёд этилади. Шаҳарчада 4 қават-

ли тураржой бинолари, спорт ва маиший хизмат кўрсатиш муассасалари қад ростлайди. Ёшларга уй солиб олиш учун имтиёзли кредитлар ажратилиши мўлжалланган.

Ёшларнинг гиёҳвандлик, "оммавий маданият", одам савдоси ва бошқа турли иллатлар гирдобига тушиб қолишининг олдини олиш, уларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларига янада кенгроқ жалб этиш борасида кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. 2013 йилда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда 1400 дан ортиқ ана шундай тадбир ўтказилди. Касб-хўнар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган эрта турмуш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олишга қаратилган "Бувий-жонлар бонг уради" лойиҳаси қизларни оилага тайёрлаш борасида табаррук онахонларимизнинг ҳаётий тажрибасини оммалаштириш имконини бермоқда.

Муҳтасар айтганда, ёшларни юртимиз тараққиётининг етакчи қучи-га айлантириш, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши йўлидаги ишлар изчиллик билан давом эттирилади. Ёшларнинг ўз истеъдод ва салоҳиятини рўёбга чиқариши учун шароит яратиш, орзу-интилизларини қўллаб-қувватлаш доимий эътиборимизда бўлиб қолаверади. Зеро, ёшларга ғамхўрлик эртаимизга ғамхўрлик деганидир. Ўртасини ўйламаган халқнинг ҳам, миллатнинг ҳам келажаги нурли, ёруғ бўлиши қийин.

Нодиржон СУЛАЙМОНОВ,
Гулистон шаҳар ҳокими
(ЎЗА)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ҳар йили кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси бундай тадбирлар орасида муҳим ўрин тутати. Саноатчилар форуми иқтисодийётнинг реал секторини жадал ривожлантириш вази-фаларини ҳал этган ҳолда, узок муддатли ҳўжалик алоқаларини йўлга қўйиш ва кенгайтириш учун бозор инфра-тузилмасини шакллантириш, корхоналарнинг ички тармок, тармоқлараро ва халқаро кооперация доирасида зарур хомашё ва кредит ресурсларидан эркин фойдаланишни таъминлашга ёрдам бермоқда.

Тошкентда ўтаётган Маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя масалалари комплексининг тармок саноат ярмаркаси ҳам шундан далолат беради. Унда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирилари, Фанлар академияси, "Ўзфармсанот" давлат акциядорлик концерни, "Дори-дармон" акциядорлик компанияси ва бошқа тузилмалар таркибидagi икки юздан зиёд корхона ва ташкилот иштирок этмоқда.

Ярмаркада намойиш этилаётган товарларнинг хилма-

хиллиги ташриф буюрувчиларни беҳад мамнун этмоқда. Бу ерда давлатимиз раҳбари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш, халқ истеъмоли товарлари ва экспорт-бop маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича белгилаб берилган вази-

манидан Соғлом бола йили, деб эълон қилинган жорий йилда янада муҳим аҳамият касб этади.

Саноат форумида иштирок этаётган "Осиё спортс" хусусий фирмаси 1995 йилда ташкил этилган. Корхона ўтган йиллар мобайнида му-

вофиқлик сертификатига эга 35 турдаги спорт маҳсулот-

ларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Корхона вакилларининг таъкидлашича, Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида иштирок этиши натижасида турли ташкилот ва давлат тузилмалари, чунончи, Халқ таълими вазирилари, Маданият ва спорт ишлари вазирилари, қатор спорт федерациялари билан ҳамкорлик кенгаймоқда.

Тармок саноат ярмаркасида мебель ишлаб чиқарувчи корхоналар маҳсулотлари ҳам намойиш этилмоқда. Улар турли хил мебель ва алоҳида буюртма асосида маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича хизмат кўрсатишни таклиф этаётир. Ушбу корхо-

налар маҳсулотлари сифат стандартлари ва харидорлар талабига жавоб беради. Мисол учун, "Забардаст мебель" ва "Арт мебель груп" корхоналари офис, муассаса, ўқув юртли ва хонадон учун мўлжалланган кенг турдаги мебель, "Зафар трейд" масъулияти чекланган жамияти театр ўриндиқлари, тиббиёт

ярмаркасининг доимий иштирокчиларидир. Масалан, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетини модификация қилинган шoли крахмали ишлаб чиқариш лойиҳаси, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти гигиена ва истеъмол хусусиятлари яхшилланган трикотаж маҳсулотлари, турли маҳаллий целлюлозадан қозғ олиш технологиясини, Тошкент кимё-технология институтини лойли сланец асосида чинни олиш технологиясини тақдим этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бу галги ярмарка доирасида иштирокчи корхоналар ўз маҳсулоти тақдимотини ташкил этиш ва ҳамкорлик учун таъкил билдириш имконига эга. "Ўзфармсанот" давлат акциядорлик концерни ва "Дори-дармон" акциядорлик компанияси корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ташкил этади. Негаки, давлатимиз раҳбари юритаётган ижтимоий сиёсатнинг асосий мақсади аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини изчил ошириш, асосий ижтимоий кафолатларга риоя этиш, сифатли тиббий ёрдам ва дори-дармонлардан фойдаланишни таъминлашдан иборат.

Мамлакатимиз олий ўқув юртли ва тармок саноат

ярмаркасининг доимий иштирокчиларидир. Масалан, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетини модификация қилинган шoли крахмали ишлаб чиқариш лойиҳаси, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти гигиена ва истеъмол хусусиятлари яхшилланган трикотаж маҳсулотлари, турли маҳаллий целлюлозадан қозғ олиш технологиясини, Тошкент кимё-технология институтини лойли сланец асосида чинни олиш технологиясини тақдим этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бу галги ярмарка доирасида иштирокчи корхоналар ўз маҳсулоти тақдимотини ташкил этиш ва ҳамкорлик учун таъкил билдириш имконига эга. "Ўзфармсанот" давлат акциядорлик концерни ва "Дори-дармон" акциядорлик компанияси корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ташкил этади. Негаки, давлатимиз раҳбари юритаётган ижтимоий сиёсатнинг асосий мақсади аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини изчил ошириш, асосий ижтимоий кафолатларга риоя этиш, сифатли тиббий ёрдам ва дори-дармонлардан фойдаланишни таъминлашдан иборат.

Мамлакатимиз олий ўқув юртли ва тармок саноат

ярмаркасининг доимий иштирокчиларидир. Масалан, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетини модификация қилинган шoли крахмали ишлаб чиқариш лойиҳаси, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти гигиена ва истеъмол хусусиятлари яхшилланган трикотаж маҳсулотлари, турли маҳаллий целлюлозадан қозғ олиш технологиясини, Тошкент кимё-технология институтини лойли сланец асосида чинни олиш технологиясини тақдим этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бу галги ярмарка доирасида иштирокчи корхоналар ўз маҳсулоти тақдимотини ташкил этиш ва ҳамкорлик учун таъкил билдириш имконига эга. "Ўзфармсанот" давлат акциядорлик концерни ва "Дори-дармон" акциядорлик компанияси корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ташкил этади. Негаки, давлатимиз раҳбари юритаётган ижтимоий сиёсатнинг асосий мақсади аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини изчил ошириш, асосий ижтимоий кафолатларга риоя этиш, сифатли тиббий ёрдам ва дори-дармонлардан фойдаланишни таъминлашдан иборат.

Мамлакатимиз олий ўқув юртли ва тармок саноат

ярмаркасининг доимий иштирокчиларидир. Масалан, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетини модификация қилинган шoли крахмали ишлаб чиқариш лойиҳаси, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти гигиена ва истеъмол хусусиятлари яхшилланган трикотаж маҳсулотлари, турли маҳаллий целлюлозадан қозғ олиш технологиясини, Тошкент кимё-технология институтини лойли сланец асосида чинни олиш технологиясини тақдим этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бу галги ярмарка доирасида иштирокчи корхоналар ўз маҳсулоти тақдимотини ташкил этиш ва ҳамкорлик учун таъкил билдириш имконига эга. "Ўзфармсанот" давлат акциядорлик концерни ва "Дори-дармон" акциядорлик компанияси корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ташкил этади. Негаки, давлатимиз раҳбари юритаётган ижтимоий сиёсатнинг асосий мақсади аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини изчил ошириш, асосий ижтимоий кафолатларга риоя этиш, сифатли тиббий ёрдам ва дори-дармонлардан фойдаланишни таъминлашдан иборат.

Мамлакатимиз олий ўқув юртли ва тармок саноат

ярмаркасининг доимий иштирокчиларидир. Масалан, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетини модификация қилинган шoли крахмали ишлаб чиқариш лойиҳаси, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти гигиена ва истеъмол хусусиятлари яхшилланган трикотаж маҳсулотлари, турли маҳаллий целлюлозадан қозғ олиш технологиясини, Тошкент кимё-технология институтини лойли сланец асосида чинни олиш технологиясини тақдим этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бу галги ярмарка доирасида иштирокчи корхоналар ўз маҳсулоти тақдимотини ташкил этиш ва ҳамкорлик учун таъкил билдириш имконига эга. "Ўзфармсанот" давлат акциядорлик концерни ва "Дори-дармон" акциядорлик компанияси корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ташкил этади. Негаки, давлатимиз раҳбари юритаётган ижтимоий сиёсатнинг асосий мақсади аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини изчил ошириш, асосий ижтимоий кафолатларга риоя этиш, сифатли тиббий ёрдам ва дори-дармонлардан фойдаланишни таъминлашдан иборат.

Мамлакатимиз олий ўқув юртли ва тармок саноат

ярмаркасининг доимий иштирокчиларидир. Масалан, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетини модификация қилинган шoли крахмали ишлаб чиқариш лойиҳаси, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти гигиена ва истеъмол хусусиятлари яхшилланган трикотаж маҳсулотлари, турли маҳаллий целлюлозадан қозғ олиш технологиясини, Тошкент кимё-технология институтини лойли сланец асосида чинни олиш технологиясини тақдим этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бу галги ярмарка доирасида иштирокчи корхоналар ўз маҳсулоти тақдимотини ташкил этиш ва ҳамкорлик учун таъкил билдириш имконига эга. "Ўзфармсанот" давлат акциядорлик концерни ва "Дори-дармон" акциядорлик компанияси корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ташкил этади. Негаки, давлатимиз раҳбари юритаётган ижтимоий сиёсатнинг асосий мақсади аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини изчил ошириш, асосий ижтимоий кафолатларга риоя этиш, сифатли тиббий ёрдам ва дори-дармонлардан фойдаланишни таъминлашдан иборат.

Мамлакатимиз олий ўқув юртли ва тармок саноат

Yangiliklarda yurt nafasi



Чимбой тумани ҳокими Усербой Қозоқбоев ёшлар билан учрашув ўтказди.

Унда банк, солиқ идоралари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси раҳбарлари, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари иштирок этди.

Кизгин фикр-мулоҳазаларга бой ўтган учрашувда ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, банклар томонидан имтиёзли кредитлар ажратилишига кўмаклашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда ёшлар ўз таълим-мулоҳазалари, ҳаётда учрайдиган айрим муаммолар тўғрисидаги дадил фикрлари билан фаол қатнашди. Масалан, Чимбой иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи битирувчиси Женис Бозорбоев ўз бизнес лойиҳаси билан иштирокчиларни таништирди. Унинг аҳолига сервис хизмати кўрсатишга йўналтирилган бу лойиҳаси банк ходимлари томонидан маъқулланиб, имтиёзли кредит ажратиладиган бўлди.

Ёшларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

Термиз шаҳрида бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда етмишга яқин корхона, ташкилот ва муассаса 425 бўш иш ўрни билан иштирок этди.

Термиз шаҳар ҳокимлиги, прокуратура, шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда «Сурхондарё электр тармоқлари» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси, «Шингонгспиннинг Термиз» қўшма корхонаси, ижтимоий соҳа объектлари ва бошқа қатор ҳўжалик юритувчи субъектлардаги бўш иш ўринлари тавсия этилди. 40 нафарга яқин аҳоли ишга жойлашиш учун йўлланма олди. Уларнинг ўндан ортиғи касб-ҳунар коллежи битирувчиларидир.

— Ўтган йили Термиз тиббиёт коллежини битирдим, — дейди ёш мутахассис Адхам Абдураимов. — Мазкур ярмаркада шаҳар давлат санитария-эпидемиология нazorати марказида ўз мутахассислигим бўйича ишга жойлашиш учун йўлланма олдим.

Ўзбекистон давлат консерваториясида «Наврўз садолари» халқ чолғулари оркестрлари ва кўп овозли ансамблларнинг VII республика фестивали бўлиб ўтди.

Унда мактабгача таълим муассасалари, musiқа ва санъат мактаблари, иқтисодсанолик лицей ва коллежлар, олий musiқа ўқув юртиларидаги оркестр ҳамда ансамбллар, профессионал жамоалар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди, «Тасвирий ойна», Ўзбекистон Бастакорлар уюмлари, «Сўғдиёна» ўзбек миллий чолғулари камер оркестри ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган маданий тадбир Соғлом бола йилга бағишланди.

Анъанавий фестивал халқ чолғулари оркестрлари ва кўп овозли ансамбллар ижрочилиги йўлида изланаётган ёш истеъдодларни аниқлаш, бу бекоркор мерос намуналаридан миллий санъат илҳомсизлигини баҳраманд этиш имконини бермоқда. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан эллик саккизта жомоа қатнашиб, умумий иштирокчилар сони минг нафардан ошди. Бу йилги фестивалнинг аввалгиларидан фарқи жиҳати, унда мактабгача таълим муассасалари болалар ансамбллари ҳам иштирок этди.

Фестиваль давомида musiқий чолғулар кўргазмаси ташкил этилди, ансамбль ва оркестрларнинг концерт дастурлари бўлиб ўтди. Болалар фольклори, рақс санъати, болалар ва ўсмирлар хор жамоаларининг ижрочилиги маҳорати, чолғу созлар ансамблларининг чиқишлари томошабинларга манзур бўлди.

Наманганда аҳоли бандлигини таъминлашга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, матбуот ва ахборот бошқармалари, Журналистлар ижодий уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда бандлик дастури ижросини таъминлашда меҳнат ярмаркаларидан самарали фойдаланилаётгани қайд этилди. Жумладан, шу йилнинг январь-февраль ойларида ташкил этилган ўн та шундай тадбир орқали 600 нафардан зиёд аҳоли доимий иш жойига эга бўлди.

Анжуманда таъкидланишича, жорий йилнинг дастлабки икки ойида йирик объектларни ишга тушириш, қайта қуриш ва кенгайтириш, кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш, яқка тартибдаги тадбиркорлик, деҳқон ва фермер ҳўжаликларини ривожлантириш ҳисобидан вилоятда 11 минг 572 иш ўрни яратилди.

— Касб-ҳунар коллежларини битираётган 40 минг 700 нафарга яқин ёш иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Гуломжон Муродхўжаев. — Битирувчиларни эғзалган мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришни кўзда тутиган ҳолда ишлаб чиқариш амалиётига ўташ учун аниқ корхона ва ташкилотларга бириктириш юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Матбуот анжуманида мутасаддилар журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

«Мактаб таълимини ривожлантириш»

лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишлар тақдироти ўтказилди

Халқ таълими вазирлигида Жаҳон банки билан ҳамкорликда «Мактаб таълимини ривожлантириш. 2-босқич» лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишлар тақдироти ўтказилди.

Лойиҳа республикамизнинг 7та вилоятда марказдан узоқ, чекка ҳудудларда жойлашган 1501та умумтаълим мактаби ва 598та мактабгача таълим муассасасини қамраб олган. Таълим-тарбия жараёнини янада тақомиллаштириш мақсадида ажратилган маблағлар ҳисобидан мазкур таълим даргоҳларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Тақдирот давомида лойиҳага кўра 5 йўналишда олиб борилган ишлар, эришилган натижаларга тўхталиб ўтилди.

Дарс жараёнида интерактив воситалардан фойдаланиш ҳолатининг яхшиланиши, ўқувчилар ўзлаштириш даражасининг ошгани, бўш

вақтнинг мазмунли ўтказилаётгани ҳамда ўқувчиларнинг касб-ҳунар эғзаллашлари учун шароит яратилгани таъкидланди. Бундан ташқари, раҳбар ва педагог кадрлар учун ташкил этилган ўқув машғулотларда бола шахсини ривожлантиришга йўналтирилган ёндашув ҳамда интерфол методларни самарали қўллаш бўйича уларнинг касбий маҳорати оширилди. Шунингдек, жамоатчиликни мактаб ҳаётига кенг жалб этиш мақсадида ўшбу муассасаларнинг васийлик кенгашлири томонидан таълим-тарбия жараёнини янада яхшилаш борасида ишлаб чиқилган лойиҳалари молиялаштирилди.

Тадбирда таъкидланганидек, амалга оширилган ишлар ўз ихобий натижасини бериб, ҳозирги кунда ўқув материаллари ва ресурсларидан таълим жараёнида самарали фойдаланиш келинмоқда.

Азиз НОРКУЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Саҳнада санъат ғунчалари

Республика ихтисослаштирилган musiқа ва санъат академик лицейида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан Халқ таълими вазирлиги ҳамда Бастакорлар уюшмаси билан ҳамкорликда musiқа ва санъат мактаблари ўқувчилари ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Санъат ғунчалари» республика ёш musiқачилар кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичларида голибликни қўлга киритган 250 нафар ёш иқтидорли musiқачи ўзaro беллашди. Иштирокчилар кичик ғуруҳ (9 ёшдан 13 ёшгача) ва катта ғуруҳ (14 ёшдан 16 ёшгача)га бўлиниб, зарбли ва дамли чолғу асбоблари ижро йўналишида ўз ма-

ҳоратларини намойиш этдилар.

Иқтидорли болаларни аниқлаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган ёшларни musiқа ва санъатга жалб этиш мақсадида ташкил қилинган мазкур кўрик-танлов ҳақиқий musiқа ва санъат байрамига айлан-

ди, десак муболага бўлмайди.

Танлов сўнгида голиб ва совриндорлар «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва ҳомийлар томонидан диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Фурқат АЛИМАРДОНОВ
В.ГРАНКИН олган сурат.

Самарали машғулотлар

Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида бошланғич синфларда чет тилларни ўқитишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда Халқ таълими вазирлиги ходимлари, Британия кенгашининг юртимиздаги ваколатхонаси вакиллари, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, малака ошириш институтига ташкилотчилари ҳамда ҳудудлардан келган чет тили методистлари иштирок этди.

Тадбирда иштирокчилар чет тили ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлик даражасини ривожлантириш, дарс жараёнида илгор хорижий тажрибаларни қўллаш, бошланғич синфларда чет тилларни ўқитишда замонавий технологиялардан фойдаланиш масалалари бўйича ўз фикр-

мулоҳазаларини билдирдилар. Институтида бошланғич синф чет тили ўқитувчилари учун ташкил этилган курс машғулотларининг бориши, мақсад ва вазифалари ҳусусида ҳам сўз юритилди.

— Институтиимизда бир ҳафта давомида хорижий тиллар ўқитувчилари учун (2-синф чет тили дарсликлари асосида) махсус малака ошириш машғулоти бўлиб ўтади, — дейди институти ректори Мақсуджон Йўлдошев. — 36 соатга мўлжалланган курсларнинг 4 соати маъруза, 32 соати амалий машғулотлардан иборат. Иштирокчилар тажрибали мутахассисларнинг чет тилларни эғзаллаш даражаларининг Европа тизими, бошланғич синфларда хорижий тилларни ўргатишнинг ўзига хос хусусиятлари, дарс жараёнида АКТни қўллаш каби мавзуларда маърузалар тинглашади.

Ҳасан МҮМИНОВ

Адабиётга меҳри баланд ёшлар

Самарқанд давлат университетидида Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан адабий кеча ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққан адиблар, шоирнинг шоғирдлари ва яқинлари Мухаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллиги олди-дан мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртиларида ўтказилаётган бундай адабий учрашувлар, мушоира кечаларида устозлар ва ёшларнинг адабиётга меҳри баланд экани на-

моён бўлаётганини алоҳида таъкидлашди.

Кечада Мухаммад Юсуф ижодининг ўзига хослиги, қалблардан чуқур жой олган шеърларидаги халқчилик, ватанпарварлик туйғулари юксак даражада тараннум этилгани ҳақида сўз юритилди.

Кеча якунида уюштирилган мушоирада шоир шеърлари би-

лан бирга вилоятда ижод қилаётган устозлар ва ёшлар ижодидан ҳам намуналар тингланди. Шеърлари мухлислари, адабиёт ўқитувчилари, ўқувчиларнинг катта қизиқиш билан шоир шеърларини ёд айтиши тадбир иштирокчиларини тўқилантириб юборди.

Мақсуда МАЛЛАЕВА,
Самарқанд шаҳридаги
30-мактабнинг
она тили ва адабиёт
ўқитувчиси

Миллатлараро тотувлик акс этди

Бугунги кунда Ўзбекистонимизда 130дан ортиқ миллат ва элатлар тинч-тотув яшаб келмоқда. Ҳар бир миллат вакилларининг таълим-тарбия олиши, меҳнат қилиши, миллий байрамлари ва урф-одатларини нишонлашга кенг имконият яратиб берилган.

Тошкент фармацевтика институтида «Соғлом болани вояга етказишда миллий қадриятларнинг ўрни» мавзусида кўрик-танлов бўлиб ўтди. Институтининг 2та факультетида фаолият кўрсатаётган 14 кафедра ўқитувчи ва талабалари ўзaro беллашдилар. Ўзбек, рус, қорақалпоқ, уй-

ғур, озарбойжон, корейс миллатлари маданияти, анъана ва қадриятлари намойиш этилди.

— Ҳар бир ғуруҳ бола тугилганидан бошлаб унинг соғ-омон ва баркамол бўлиб ўсишини ният қилиб ўтказиладиган маросимларни намойиш этиб, уларнинг маъно-мазмунини ва аҳамиятини билан томошабинларни таништирди, — дейди институтининг маънавият ва маърифат бўлими етакчи мутахассиси Нигора Ашурова.

Ҳар бир миллат маданияти, санъатини намоён қилган либослар, қуй-қўшқич ва жозибали рақслар барчага кўтарикли қийфийт ўлашди.

Назозат ХОЛМЕТОВА

2014-yil 29-mart, № 26 (8675)

Андижон вилоятида 2013-2014 ўқув йилида 225та таълим муассасаси аттестациядан ўтказилиб, аккредитация қилиниши режалаштирилган. 2013 йилнинг сентябрь ойидан 2014 йилнинг февраль ойигача белгиланган 85та умумтаълим мактаби ва 56та мактабгача таълим муассасасининг барчаси муваффақиятли аккредитациядан ўтказилди. Бир қарашда бу далил оддий рақамлар сифатида таассурот уйғотади. Аслида эса, унинг замирида тинимсиз изланиш, чуқур билим ва юксак педагогик хизмат ётади. Чунки аттестация ва аккредитация — таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифатининг давлат таълим стандартлари ҳамда давлат талабларига мувофиқлигини ўрганиш ва баҳолашдан иборат масъулиятли жараёндир. Бир сўз билан айтганда, таълим муассасаларининг фаолият кўзгусидир. Ушбу кўзгу орқали ҳар бир таълим маскани фаолияти атрофлича яққол намоён бўлади.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлигининг қўшма қарори билан тасдиқланган йўриқнома асосида ўтказилаётган мазкур жараён туфайли умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасалари ўз фаолиятини қай даражада ташкил этганлиги аниқланмоқда ва муносиб баҳолаб борилмоқда.

Ҳар бир мактаб ёки мактабгача таълим масканининг давлат таълим стандартлари асосида иш юритиши, ўқувчилар билим даражаси, уларга ўқиш ва дам олиш шароитларининг давлат талаблари даражасида ташкил этилиши, кадрлар салоҳияти каби мавзуларни аниқ далил ва ҳужжатлар асосида исботлаш ҳар бир таълим муассасаси раҳбаридан ҳам, бу жараёнга масъул мутахассисдан ҳам, шунингдек, шаҳар ва туманлардаги муассасалар фаолиятини таҳлил қилувчи вакиллар ва вилоят халқ

таълими бошқармаси мутасаддиларидан ҳам ишчанлик, билим ва масъулиятни талаб қилади. Айтиш керакки, Андижон вилоят халқ таълими муассасалари тасарруфидида аттестация ва аккредитация қилиниши лозим бўлган таълим муассасалари бу борада ўзига хос тажрибага эга.

— Аттестация ва аккредитация жараёнини муваффақиятли амалга оширишда Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган махсус механизмдан фойдаланаямиз. Энг аввало, ҳужжатларни тайёрлайдиган масъул мутахассислар билими ва маҳоратини оширишга, зиммаларидаги масъулият нечоғлик

жиддий эканлигини аниқлаштишга ҳаракат қилаёямиз, — дейди вилоят халқ таълими бошқармасининг давлат таълим стандартлари мониторинги жараёнини методик таъминлаш бўлими етакчи мутахассиси Зафар Абдуллаев. — Ютуқларимизнинг бош омилі аттестациядан муваффақиятли ўтган ва аккредитациялашда юқори натижага эришган туманлар билан ўзаро ҳамкорлик ҳамда тажриба алмашиши йўлга қўйди. Ҳар бир туман, шаҳар ХТМФМТТЭ бўлимидаги масъул ходимлар учун доимий ўқув-семинарлар ташкил этдик. Улар ўз ҳудудларидаги аттестация ва аккредитациядан ўтади-

— Биз дастлаб аттестацияга қўйилган таълим маскани томонидан тақдим этилган ҳужжатлар билан ўша муассаса фаолияти мутаносиблигини ўрганамиз, — дейди эксперт ғуруҳи аъзоси, Андижон шаҳридаги 27-умумтаълим мактаби директори ўринбосари Озодахон Абдуллаева. — Аксарият боғча ва мактабларда қўриқарли иш жараёни ва ҳужжатлар юритилиши кузатилади. Лекин баъзи камчиликлар ҳам учрайдики, буларни маскан раҳбарияти, туман ёки шаҳар ХТМФМТТЭ бўлимининг давлат таълим стандартлари мониторинги жараёнини методик таъминлаш кичик ғуруҳи ходим-

даги аттестация ва аккредитация режасига киритилган таълим муассасалари фаолияти ҳозиргача белгиланган мезонлар асосида Давлат тест маркази томонидан муносиб баҳолашиб, аккредитацияланиди. Мазкур туман ХТМФМТТЭ бўлимидаги масъул мутахассисларнинг вилоят халқ таълими бошқармаси давлат таълим стандартлари мониторинги жараёнини методик таъминлаш бўлими ва эксперт ғуруҳи билан доимий ҳамкорлиги туфайли шундай муваффақиятга эришилди.

— Аттестация ва аккредитация жараёни мактабгача таълим муассасаларида ҳам ижобий маънодаги изланишни вужудга келтирди, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси мактабгача таълим муассасалари бўлими бошлиғи Гулнорахон Усмонова. — Фаолияти ижобий баҳолашиб, аккредитацияланган мактабгача таълим муассасалари тажрибаси ва ҳужжатлари келгусида синовдан ўтадиган MTM раҳбарлари томонидан пухта ўрганилиб, синовга жиддий ҳозирлик кўриляпти. Бу борада бизга вилоят халқ таълими бошқармаси давлат таълим стандартлари мониторинги жараёнини методик таъминлаш бўлими ва эксперт ғуруҳи катта кўмак берапти.

Аттестация ва аккредитация андижонлик халқ таълими муассасаларини яна бир бор синовдан ўтказар экан, бу ўзига хос имтиҳон жараёни ҳар бир педагог ходимнинг, ҳар бир мактаб ва боғчанинг фаолиятини тиниқ акс эттирувчи кўзгу бўлиб қолиши шубҳасиз.

Орифжон СИДДИҚОВ,
«Ma'rifat» муҳбири

КЎЗГУ

Андижон вилоятида таълим муассасаларини аттестация ва аккредитациядан ўтказишга тайёргарлик кўриш борасидаги тажрибалар хусусида

ган таълим муассасалари фаолиятини ҳар томонлама таҳлил этиш, керакли ҳужжатлар пухталигини таъминлаш борасида иш олиб борадилар ва тайёрланган ҳужжатларни вилоят халқ таълими бошқармасида ташкил этилган эксперт ғуруҳига топшириб, хулоса оладилар.

Дарҳақиқат, вилоят халқ таълими бошқармасида илғор ва тажрибали мактаб ва бошқа таълим муассасалари раҳбарларидан ташкил толган эксперт ғуруҳи иш олиб бормоқда. Ғуруҳнинг самарали кўмаги туфайли аттестация ва аккредитациядан ўтувчи муассасалар фаолияти, ҳужжатлари ўрганилиб, нуқсон ва камчиликлар бартараф этилмоқда.

лари билан ҳамкорликда бартараф этамиз. Ҳужжатларни ўрганиш жараёнида асосан таълим муассасасининг охириги уч йиллик маълумотининг «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш мезон ва технологиялари бўйича йўриқнома» талабларига мослигини текшираамиз. Яъни, ўтилган дарслар тўғри ҳисоблангани, янги педагогик технологиялардан фойдаланиш даражаси, ўқув жихозларининг берилган талабларга мос равишда киритилгани эътиборга олинади.

Ҳар бир ишда ҳамкорлигу маслаҳат яхши самара беради. Андижон шаҳри, Жалакудук, Олтинкўл ва Кўргонтепа туманлари-

БОЛАЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ



2014-yil — Sog'lom bola yili

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 540-мактабгача таълим муассасасида 476 нафар бола тарбияланмоқда.

Ушбу масканда кичкинтойларнинг ҳар томонлама соғлом ўсиши, ўқиб-ўрганиши, мусиқа ва санъат йўналишида иқтидорини юзга чиқаришлари учун барча шароит яратилган. Ўттизга яқин малакали тарбиячи-педагог уларни ҳар томонлама етук фарзандлар этиб тарбиялашда анъанавий ёндашувдан ташқари машғулотларда интерфаол усуллар ва кўргазмалар воситалардан кенг фойдаланади.

Суратда: 540-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Шаҳноза Орипова ва тарбияланувчилари.

Ёлқин ШАМСИДИНОВ (ЎЗА)
олган сурат.

Умумтаълим мактабларида апрель — эстетик йўналишдаги фанлар ойлиги деб белгиланган. Ойликни мазмунли ва самарали ўтказиш учун педагоглардан катта меҳнат ва масъулият талаб этилади.

Таъкидлаш жоизки, фан ойлиги меҳнат таълими, мусиқа, тасвирий санъат ва чизмачилик фанлари доирасида ўтказилади. Аввало, барча вилоят методика марказлари томонидан фан ойлигининг режаси тайёрланади ҳамда мактабларга тавсия этилади. Умумтаълим мактаблари эстетик йўналишдаги ҳар бир фан бўйича ўзининг махсус тадбирлар режасини тўзди. Ойлик доирасида ўқувчиларнинг билимини аниқлаш мақсадида турли савол-жавоблардан иборат тестлар ўтказилади, мураккаб мавзулар бўйича дарс ишланмалари тайёрланади. Ойликнинг 2-, 3-хафтагида, мактаб жамоасининг имкониятидан келиб чиққан ҳолда, турли тадбир ва намунали очик дарслар уюштирилади. Жумладан, "Энг яхши фан хонаси", "Энг яхши дарс ишланмалари", "Ижодкор ўқитувчи" танловларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Режалаштирилган тадбирларни ёшлар ижодиёт марказлари, хунармандчилик устоналари, истироҳат боғлари, ахборот-ресурс марказлари ҳамда мусиқа ва санъатга ихтисослашган таълим муассасаларида ўткази-

зиш мумкин. Тадбирларга таниқли халқ усталари, тўғрақ тарбиячилари, рассом, шоир ва ёзувчиларни таклиф этиш мақсадга мувофиқ.

Фанлар ойлиги доирасида қуйидаги ишларни амалга ошириш тавсия этилади:

Тасвирий санъат бўйича ўқувчилар ўртасида қўриқ-

ди. "Замонавий архитектор", "Менинг лойиҳаларим" каби мавзуларда синфларо ва мактаблар ўртасида кўргазмаларни ташкил этиш ҳам ёшларда тадбир ва танловлар қизгин кечиши табиий.

Мусиқа бошқа йўналишларга қараганда анча қизиқарли. Шу маънода тадбир, ижодий учрашув ва танловларни ташкил этиш бирмунча осон кечади. Мусиқа тўғрисида катновчи ўқувчилар ўртасида "Сехрли оҳанглр", "Соз сехри" каби мавзуларда концер-

орқали турли касб-хунарлардан бохабар бўладилар. "Балли, қизлар!", "Бир йигитга қирқ хунар оз", "Менинг келажакдаги орзум" каби мавзуларда тадбир ва танловлар қизгин кечиши табиий.

Ойлик давомида "Қамолот" ЁИХ, "Баркамол авлод" болалар ижодиёти марказлари, хунармандчилик уюшмаси ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонднинг ҳудудий бўлимларини ҳамкорликка чорлаш муҳим аҳамиятга эга.

ЭСТЕТИК ЙЎНАЛИШДАГИ ФАНЛАР ОЙЛИГИ

завқ-шавққа, маъно-мазмунга бой ўтсин

танлов ташкил этиш мумкин. "Ўзбекистон — Ватаним маним", "Ўлкамда баҳор", "Болалигим — подшолигим", "Орзулар олами", "Тасаввуримдаги касб" каби мавзуларда ижодий ишлар кўргазмаси ўтказилади.

Чизмачилик. Қадимий обида ва зиёратгоҳлар, замонавий бунёдкорлик иншоотларига саёҳат уюштирилса, архитектура соҳасига тегишли мавзулар бўйича тадбирлар ўтказилса, ўқувчиларда ушбу фанга қизиқиш ошиб, тасаввурлари кенгай-

тлар ҳамда синфларо "Ўқиболгани кўлайман, Ватан!", "Биз баркамол авлодмиз" каби қўшиқлар танловини уюштириш мумкин. Юқори синфларо эса фан ойлигида олган билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш мақсадида "Қувноқлар ва зукколар" беллашувини ўтказиш тавсия этилади.

Меҳнат таълими бўйича ташкил этиладиган тадбирлар ўқувчилар учун ҳар томонлама фойдали. Улар фан ойлиги доирасидаги учрашув, кўргазма ва танловлар

Шунингдек, қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

— умумий ўрта таълим мактабларида эстетик фанлар ойлиги бурчакларини ташкил этиш;

— таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнининг сифатини, ҳар бир фан ўқитувчисининг педагогик маҳоратини ошириш, қобиляти ва истеъдодини рўёбга чиқариш;

— ҳар бир фан ўқитувчисининг ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланишини таъ-

Tavsiya

минлаш орқали ўқувчиларнинг эстетик фанларга оид билим, кўникма ва малакаларини ошириш;

— меҳнат таълими, мусиқа маданияти, тасвирий санъат ва чизмачилик дарсларининг сифат ва самарадорлигини оширишда юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ва маданий янгилликларидан фойдаланиш;

— синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг ўқув жараёни билан узвийлигини таъминлаш;

— эстетик йўналишдаги ҳар бир фаннинг ўзига хос хусусиятларини кенг тарғиб қилиш;

— эстетик фанлар ойлигини ташкил этиш орқали методбўйлашма фаолияти самарадорлигини ошириш.

Фанлар ойлигида ҳар ҳафтанинг охирида "Очиқ эшиклар кўни" ташкил этилади. Илгор, ижодкор, изланувчан мутахассислар билан учрашув, давра суҳбатлари уюштирилади, очик мулоқотлар ўтказилади. Фанлар ойлигининг якуни байрамаона тарзда бўлиб ўтади. Ойликда фаол иштирок этиб, юқори натижаларни қўлга киритган ўқитувчи ва ўқувчилар, синф ва тўғрақлар рағбатлантирилади.

РЕСПУБЛИКА
ТАЪЛИМ МАРКАЗИ

ФАРЗАНДИМГА КИТОБ СОВҒА ҚИЛАМАН

Юртимизда барча таълим муассасалари, кутубхона ходимлари томонидан 2 апрель — Халқаро болалар китобхонлиги кунини олдиндан "Фарзандимга китоб совға қиламан" мавзусидаги тадбирга қизгин тайёргарлик ишлари кетмоқда. Шу кунни барча мактаб ахборот-ресурс марказларида очик эшиклар тадбири ўтказилади.

Республика болалар кутубхонасида нуфузли нашриётлар китоб кўргазмасини намойиш қиладилар. Куннинг иккинчи ярмида болалар китобхонлигининг долзарб масалаларига бағишланган илмий конференция бўлиб ўтади.



2-aprel — Xalqaro bolalar kitobxonligi kuni

Мазкур тадбирнинг Республика болалар кутубхонасида ўтказилиши бежиз эмас. Айни пайтда кутубхона жами 220 минг китоб фонди ва 200 мингдан ортқ электрон ахборот ресурсларига эга. Бу ерда китобхонларга икки йўналишда — анъанавий ва замонавий он-лайн тарзида хизмат кўрсатилади. Жумладан, кутубхонанинг www.kitob.uz сайти орқали сўнгги уч ой мобайнида 66 минг нафардан ортқ китобхонга хизмат кўрсатилди. Бундан ташқари, мазкур сайтнинг китобхонлар форумига минг нафардан зиёд ўқувчи доимий аъзо бўлган. Кутубхона мутахассислари болаларнинг китобга эҳтиёжини изчил ўрганмоқдалар.

Болалар дунёси шу қадар кенги, уларни тушуниш анча мураккаб. Бола нимани кўрса, шунга таклид қилади, эшитганига ишонади. Китоб ота-онага асосий кўмакчи бўлса, бола тарбиясида муваффақият қозониш мумкин. Жорий йил киши таътил кунларида ўқувчиларнинг китобхонлик да-

ражасини ўрганиб чиқдик. Статистик маълумотлар кутубхонамизга аъзо бўлган аксарият ўқувчилар Алишер Навоий, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Гафур Ғуллом, Абдулла Қаҳҳор каби сеvimли адбларимизнинг асарларини кўпроқ мутолaa қилаётганини кўрсатди. Ҳар бир жанрнинг ўз муҳлиси борлигидан хурсанд бўлдик. Назм, наср, драматургия, илмий-оммабоп адабиётлар — ҳамма-ҳаммаси ўқилади. Кутубхона жавонлариде сақланаётган китобларнинг анча уриниб қолгани ана шундан дарак беради.

Халқаро болалар китобхонлиги кунини санасида ўтказиладиган акция ота-оналарнинг ўз фарзандларига эътиборини янада кучайтиради. Ушбу санада аксарият давлатлар катори юртимизда ҳам болаларни китобхонликка қизиқтиришнинг барча чора-тадбирлари амалга оширилади.

Дониёр УРОЛОВ,
Республика болалар кутубхонаси
директори

Умумтаълим мактабларининг 9-синф ўқувчилари ўртасида фан олимпиадасининг 3-босқичи бўлиб ўтди.

Юнусобод туманидаги 274-мактабда танловнинг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди. Унда қуйи босқичларда сараланган иқтидорли ўқувчилар 17 фан бўйича имкониятларини синовдан ўтказишди. Иштирокчиларнинг билими ёзма иш ва

Fan olimpiadasi

Натижаларга қараб айтиш мумкинки, олимпиада йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Танловга нафақат ўқувчилар, балки ота-оналарнинг ҳам қизиқиши ортиб бораётгани қувонарли ҳол, — дейди Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг методика маркази методисти Дилфуза Тошмухаммедова.

Паркент туманидаги 1-умумтаъ-

БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАР САРҲИСОБИ

тест синовлари асосида баҳоланди.

— Жорий ўқув йилида олимпиаданинг дастлабки — мактаб босқичида 36852 нафар ўғил-қиз иштирок этди. Иккинчи босқичда эса 9636 нафар ўқувчининг 500 нафари совринли ўринларни қўлга киритди. Улар орасидан энг билимли йигит-қизлар учинчи босқич голиби бўлди.



лим мактабида фан олимпиадасининг Тошкент вилоят босқичи бўлиб ўтди. Бахсларнинг кўтаринки руҳда, ҳолис ва ҳаққоний ўтиши учун барча шарт-шароит яратилди. Тоза ва озода синфхоналар, зарур анжомлар билан таъминланган лаборатория хоналари, компьютер техникалари иштирокчилар ихтиёрига топширилди. 578 нафар ўқувчи 19 фан йўналишида голиблик учун ўзаро беллашди.

— Фан олимпиадаси нафақат ўқувчилар, балки ўқитувчилар учун ҳам ўзига хос синов вазифасини ўтамоқда, — дейди Тошкент вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиги Қаҳрамон Мавлонов. — Бахслар натижасига қараб ҳар бир муаллим фаолиятидаги ютуқ ва камчиликларини билиб олади. Ўқувчиларга қандай сабоқ берилаётгани, дарслар сифати ва самараси аниқ кўзга ташланади. Энг асосийси, келгусида ана шу бўлиқларни тўлдириш имконияти пайдо бўлади.

Гулюз ОРИФЖОНОВА,
Маҳбуба КАРИМОВА,
«Ma'rifat» мухбирлари

Бурхон РИЗОКУЛОВ олган сурат.

ТАЪЛИМДА МУСТАҚИЛ ИШ

қандай ташкил этилса самарали бўлади?

Мустақил иш ўқувчини дарс ва дарсдан ташқари вақтда эркин фикрлашга ўргатувчи, илмий изланувчанлик ва яратувчанликка йўналтирувчи жараёндир. Дарс қанчалик юқори савияда ташкил этилган бўлмасин, ўқувчининг чуқур билим ва кўникмага эга бўлишида мустақил иш, хусусан, уй вазифаларини масъулият билан бажариш муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолаверади. Шу боис таълим тизимида ўқувчиларни эркин ишлашга ўргатиш ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштиришнинг муҳим воситаларидан бири сифатида қаралади. Мустақил иш ўқувчиларни шахсий изланишлари асосида билим олиш, янги кўникма ва маънавий эгаллашга ўндайди.

Ўқувчиларнинг умумий ўқув юкламаси аудиториядаги дарс ва мустақил ишдан иборат. Намунавий ўқув режада академик лицейнинг таълим йўналишлари бўйича ҳар бир фанга ажратилган соатлар миқдориغا қараб мустақил ишлар берилади. Фан ўқитувчиси мустақил иш соатларини аниқлаб, тақвимий режасида қайд этади. Масалан, академик лицейнинг аниқ фанлар таълим йўналиши бўйича физика фанидан ўқувчиларнинг умумий ўқув юкламаси — 1129 соат. Шундан аудиториядаги ўқув юкламасига 768 соат, мустақил ишга 361 соат ажратилади.

Мустақил иш соатларига қараб, фан ўқитувчиси ҳар бир курс бўйича мустақил иш режасини тўзиб чиқади ва кафедра йиғилишида тасдиқлатади. Бунда ўқитувчи ўз раҳбарлигида ўқувчиларда назарий материалларни мустақил ўзлаштириш, амалий ишларни бажариш учун зарур билим ва кўникмаларни шакллантиришни асосий мақсад этиб белгилайди.

Мисол учун, физика фанидан уй шароитидан келиб чиқиб, мустақил ишларни бажариш учун ўқувчиларга қуйидагича тавсия берилади:

1. Дарслик матни билан ишлашни ўрганиш.
2. Билимларни мустаҳкамлаш ва аниқлаштириш.
3. Билим ва кўникмаларни амалда қўллаш.
4. Физик ҳодисаларни кузатиш ва бевосита текшириш.
5. Ижодий ишлашни ўрганиш.
6. Билимларни умумлаштириш ва тартибга солиш кўникмасини ҳосил қилиш.

Мустақил ишларни бажаришнинг асосий шакллари

Буклет. Мавзуга доир буклет тайёрланиб, унинг бир томонида мавзуга хос изоҳлар, иккинчи томонида эса расмлар берилади. Масалан, **"Оптик асбоблар"** мавзуси бўйича буклет тайёрлашда ўқув жараёнида олинган

назарий билимларга таянилади ва шу асосда мавзу ёритилади.

Реферат. Мавзу бўйича ёзилган рефератни ўқитувчи, албатта, йиғиб олиб текшириши ва баҳолаши лозим. Қолаверса, ўқувчиларга ортиқча юмуш бўлмаслиги учун мустақил ишларни топшириш режалаштирилган дарсдан олдин уйга бошқа вазифа бермаслик мақсадга мувофиқдир.

Кроссворд. Бирор мавзу бўйича олинган билимлар асосида тузилиб, ўқувчиларни мустақил фикрлашга, изланишга ўндайди.

Карточка. Ўтилган мавзуга оид карточка саволлари тайёрланади (2-3 саволдан иборат). Масалан, А4 форматли қоғоздан иккита карточка тайёрланиб, хатжилда солинади ва ўқувчиларга тақдим этилади.

Альбом. Унинг ҳар бир варағида алоҳида мавзуга оид материаллар, тусунчалар, расмлар жойлаштирилади. Альбомнинг билимини мустаҳкамлашдаги аҳамияти шундаки, ўқувчилар унинг ҳар бир варағини кўздан кечириётганда мавзулар кўз олдида келади.

Мультимедиа. Бу қурилма матн ёки товушли маълумотларни, табиий ва график тасвирларни бирлаштириб, ўқувчиларга қўшимча ахборот ўзатади.

Техник қурилма. Ўқувчилар мустақил ишни фақат назарий жиҳатдан таҳлил этмай, мавзуга мос модель ва макетларни ясашида ҳамда назарий билимларни тажрибада текшириб кўришади. Модель, асбоб ва техник қурилмаларни ясаш учун ўқувчиларга кўпроқ вақт бериш лозим. Бу ўқувчиларнинг билим олишга қизиқишини ошириб, қўшимча адабиётлар, илмий-оммабоп қўлланма ва журналлар ёрдамида мустақил ишлашга ёрдам беради. Масалан, са-

молёт ва унинг кичик нусхаси (моделли) бир хил аэродинамик қонуниятга бўйсунгани боис, тажрибада моделдаги айрим хусусиятлар ҳақиқий самолёт билан бирдек қабул қилинади. Утилетган фаннинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ўқувчи мустақил ишни бажаришда бошқа шакллардан ҳам ижодкорона фойдаланиши мумкин. Гуруҳдаги ўқувчиларнинг билими, қизиқиши ва турли соҳаларга мойиллиги эътиборга оlinиб, мустақил иш берилади. Техникага қизиққан ўқувчиларга техник қурилмалар ва ҳаракатдаги моделлар ясаш, мантикий фикрлайдиганларга бошқотирмалар тузиш, компьютерни яхши биладиганларига эса мультимедиа кўргазмалар тайёрлаш тавсия этилади.

Долзарб мавзудаги мустақил ишлар "Қасбим менинг — фахрим менинг" ижодий ишлар танловида тақдим этилади. Тақдимотда ўқувчи замонавий ахборот воситалари ёрдамида ўзи яратган дастур, плакат, модель ёки макет кўринишида ижодий ишларни намойиш қилиб, танлаган қасбининг мазмун-моҳиятини кенг миқёсда ёритади, шу орқали қасбга муносабати, қасб билан боғлиқ замонавий техникаларни ўзлаштиришга қизиқишини намоён этади.

Мақсад ва вазифалари

Мустақил ишнинг асосий мақсади фан ўқитувчисининг раҳбарлиги, назоратида ўқувчида умумтаълим ҳамда қасбий фанлар, қасб ва ихтисосликлар бўйича назарий ҳамда амалий билим, кўникмаларни шакллантириш, ижодий фикрлаш, ахборот-коммуникация технологияларидан мустақил фойдаланиш қобилиятини ривожлантиришдир.

Мустақил ишнинг асосий вазифалари қуйидагича:

- умумтаълим фанларини ўрганишда ахборот-ресурс маркази фондидаги мавжуд ўқув адабиётлардан самарали фойдаланиш;
- электрон дарсликлар, мультимедиа ўқув қўлланмалар билан танишиш;
- интернет тармоғидан фойдаланиш;
- мустақил иш натижаларини гуруҳ ўқувчилари иштирокида таҳлил этиш.

Ташкилий жиҳатлари

Мустақил ишни ташкил этишда муайян қасбий фан(курс)нинг хусусиятлари, ҳар бир ўқувчининг ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олиб, қуйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин:

- фанлар ва айрим қасбий фанларнинг назарий мавзуларини ўқув адабиётлари, дидактик материаллар ҳамда электрон ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- таълим муассасасида ўқувчилар илмий-амалий конференциялари ва семинарларида маърузалар билан қатнашиш;
- лаборатория ишларига тайёргарлик кўриш, уларни бажариш ва ҳисоботлар ёзиш;
- курс иши (лойиҳаси)ни ёзиш;
- ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётида олинган билим ва кўникмаларни махсус адабиётлар ёрдамида янада мустаҳкамлаш;
- турли кўргазмаларда ижодий ишлар (қасб ва ихтисосликка оид моделлар, схемалар ва деталлардан намуналар) билан қатнашиш;
- анжуман ва кўрик-танловларда мустақил иш сифатида тайёрланган макетлар билан иштирок этиш;

— фанлардан уйга берилган вазифаларни бажариш.

Услубий (ахборот) таъминоти

Намунавий режада ўқувчиларнинг мустақил ишлари ҳажми (соатлар миқдори) белгиланган. Фанлар бўйича кафедрада мустақил ишнинг ташкилий жиҳатлари, топшириқлар вариантлари ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Ўқитувчи ўз ишчи дастури ва режасида намунавий режага асосланган ҳолда ўқувчи мустақил ишнинг шакли, мазмунини ҳамда ҳажминини қайд этади. Мустақил ишни бажариш учун зарурий методик тавсия ва йўриқномалар, қўлланма ва кўрсатмалар ишлаб чиқилади.

Мустақил иш топшириқлари тегишли кафедра томонидан ўқув машғулотларини олиб борувчи ўқитувчи билан бирга тузилади ва кафедра мудирини томонидан тасдиқланади. Унда мустақил ишни бажариш бўйича дастлабки кўрсатма ва тавсиялар қайд этилади. Мустақил ишнинг ўз вақтида бажарилиши учун таълим муассасасида ўқувчиларга зарурий ахборот манбалари, замонавий компьютер ва интернет тармоғидан самарали фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиб берилади.

Ўқувчилар мустақил ишни бажаришда ахборот манбаи сифатида янги авлод адабиётлари, дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар, интернет тармоғидаги тегишли маълумотлар, мавзу бўйича аввал бажарилган ишлардан фойдаланиши мумкин.

Назорат қилиш ва баҳолаш

Мустақил ишни бевосита машғулотларини олиб борувчи ўқитувчи назорат қилади. Ўқувчиларнинг мустақил ишлари кафедра архивида рўйхатга оlinиб, ўқув йили давомида сақланади. Таълим муассасасида ғойиб деб топилган мустақил ишлар вилоят ва республика кўрик-танловларига тавсия этилади. Шунингдек, мустақил ишларни мазмунли ва сифатли бажарган ўқувчилар моддий ва маънавий рағбатлантириб борилади.

Ўқувчиларга мустақил иш бажартириш орқали қуйидаги натижаларга эришиш кўзда тутилади:

1. Ўқувчиларнинг ижодкорлик, ихтиросчилик қобилиятлари рўёбга чиқади.
2. Ўзига ишонч туйғуси мустаҳкамланади.
3. Иқтидорли ўқувчилар аниқлаиб, илмий фаолиятга йўналтирилади.
4. Оммавий ахборот воситаларида ёритилган материалларни мустақил ўрганиб, таҳлил этиш кўникмаси ҳосил қилинади.
5. Мавзуга оид манбалар ва ўқув адабиётларини мустақил ўрганиш ва изланади.
6. Ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлиги янада мустаҳкамланади.
7. Ўқувчида жавобгарлик ва масъулият ҳисси шаклланади.

Энг муҳими, ўқувчилар дарс ва дарсдан ташқари машғулот ҳамда тадбирларнинг фаол иштирокчисига айланади. Назарий билимларни онгли равишда ўзлаштириб, амалда қўллай олиш ҳамда келгусида тадқиқотчилик фаолиятини амалга оширишга замин ҳозирланади.

Исроил ЖЎРАЕВ,
Бухоро муҳандислик-технология институтини қошидаги
2-академик лицейнинг аниқ
фанлар кафедраси мудирини,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган ёшлар
мураббийси

Мустақил ишларнинг баъзи мавзулари ва уларни бажариш шакллари

Мавзулар	Мустақил ишни бажариш шакли
Оламнинг ҳозирги замон физик манзараси	Реферат ёзиш
Кўёш энергиясидан фойдаланиш	Буклет тайёрлаш
Техникада ишқаланишни кўпайтириш ва камайтириш усуллари	Альбом
Табиат ва техникада электр ҳодисалари	Кроссворд тайёрлаш
Табиатда иссиқлик ҳодисалари	Плакат ва слайдлар тайёрлаш
Табиат ва техникада механик тебранишлар	Тарқатма материаллар тайёрлаш
Электромагнит тебранишлар ва тўқинлар	Тест саволларини тузиш
Фотоэффект	Техник қурилма ясаш
Кўз. Кўз нуқсонлари	Мультимедиадан фойдаланиш
Тўқин оптикasinинг асослари	Сиртқи олимпиада масалаларини ечиш
Ёруғлиқнинг қайтиши ва синиши	Макетлар тайёрлаш

Тил талқини ва таълими: давр, ижтимоий зарурат ва давлат буюртмаси

Тил таълимининг асосий вазифаси ўқувчиларга фақат билим бериш эмас, балки бу билимлар орқали уларнинг тил маълумоти ошириш ҳамдир. Тил бўйича эгалланган билим малакага айланмас экан, у кераксиз бўлиб қолаверади. Шу боисдан замонавий тил таълимида фаннинг ўқувчилар тил малакасини оширишга хизмат қилмайдиган илмий масалаларига доир маълумотларни кескин қисқартириш зарурлиги аён бўлиб қолди. Хатто унча чуқурлаштирилмаган, фақат тил малакасини шакллантиришга қаратилган лингвистик маълумотлар ҳам тафаккурни ривожлантириш, нутқни ўстириш амалиёти "соғ"сида бўлиши, унга хизмат этиши лозимлиги тез-тез тилга олинмайдиган бўлди.

Анъанавий она тили таълимининг мақсади, усули ва мазмуни ўтган асрнинг ўрталарида шаклланган, бу даврда тилшунослик олдида **адабий тил меъёрларини ишлаб чиқиш**, таълим учун тегишли лингвистик материал ва тавсияларни бериш вазифаси турган бўлса, ундан озикланган она тили таълими зиммасига **тилнинг адабий талаффуз, имло меъёрларини оммалаштириш** вазифаси юкланган эди. Шунинг учун мақсад, вазифаларни нуктаи назаридан бу давр тилшунослиги формал, яъни анъанавий тилшунослик; она тили таълими эса репродуктив, ретроскопик таълим деган ном олган эди. Анъанавий тилшунослик ҳам, репродуктив она тили таълими ҳам белгиланган вазифаларини алақачонлар бажариб бўлган, яъни анъанавий тилшунослик тилшунослик адабий тил меъёрларини тўла-тўқис ишлаб чиқди, талаффуз, имло лугатлари яратилди, адабий тил меъёрлари жамиятнинг барча соҳаларига чўқур сингди. Шундан келиб чиққан ҳолда, ўтган асрнинг 80-йилларида бажариб бўлган вазифаларига қайта-қайта мурожаат этаётган анъанавий тилшунослик ҳам, бошланғич синфлардан то ўрта таълим нисҳасига қадар адабий тил меъёрларини сингдириш билан шуғулланаётган она тили таълими ҳам турғунлик ҳолатида эканлиги илмий анжуманларда, матбуот саҳифаларида кенг ёритилган, улар давр талаблари асосида ўзларининг янги мақсад, вазифаларини белгилаб олиши зарурлиги қайта-қайта ўқитрилган эди. Натижада тилшунослик тилининг ички имкониятларини очиб билан шуғулланадиган структур босқичига, она тили таълими эса, репродуктивликдан когнитивликка қадам қўйди. Маълумки, репродуктив она тили таълимида ўқувчи фаол, ўқувчи эса пассив субъект сифатида ҳаракат қилган бўлса, когнитив таълимида ўқувчи ва ўқувчининг ўрни алмашди — ўқувчи фаол субъектлик, ўқувчига қузатувчилик, йўналитурчилик роли берилди.

Янги асрда жамиятнинг барча соҳаларини шиддат билан қамраб олаётган глобаллашув жараёни дунё миқёсида тилшуносликнинг ҳам, тил таълимининг ҳам зиммасига янгидан-янги вазифаларни юклди. Давр тилдан амалий фойдала-

ниш самарадорлигини фаннинг ҳам, таълимининг ҳам асосий муаммосига айлантириб қўйди. Натижада тилшунослик тил ва шахс муштараклиги муаммоси билан шуғулланадиган антропо-центриқ моҳият касб эта бошлади, она тили таълими эса ўқувчиларнинг муайян нутқий вазият, шариоит ва маданий муҳитда тилдан оқилона, самарали фойдаланиш компетенциясини ривожлантириш масаласи билан шуғулланиши зарурлиги ижтимоий зарурат ва давлат буюртмаси сифатида намоён бўлди.

Компетенция ва компетентлилик

Бугунги кунда таълимга *компетенция, компетентлилик, компетенциянинг ёндашув тушуначлари* кириб келди ва тез оммалашмоқда. Компетенция, компетентлилик замонавий тадқиқотлар асосий йўналишларининг марказий муаммосига айланиб улгурди, дейиш мумкин. Янги аср бозор муносабатлари шахсда конкрет билимларнинггина шакллантиришга эмас, балки ҳодимларнинг компетенциясини, шахсий профессионал, социал-психологик ва мулоқот хислатларини ривожлантиришни тақозо қилмоқда.

Илмий педагогик, психологик манбаларда берилишича, *компетенция, компетентлилик* ўта мураккаб, кўпқисмли, кўпгина фанлар учун муштарак бўлган тушуначлардир. Шу боисдан унинг талқинлари ҳам ҳақман, ҳам таркибига кўра, ҳам маъно, мантиқ мундарижаси жиҳатидан турли-туман. Терминнинг моҳияти "самарадорлик", "мოსлашувчанлик", "йотқилилик", "муваффақиятлилик", "тушунувчанлик", "натияжлилик", "ўқувчилик", "хосса", "хусусият", "сифат", "микдор" каби тушунчалар асосида тавсифланмоқда.

"Компетентлилик", "компетенция" тушунчалари тавсифларида куйидаги ҳолатларга алоҳида эътибор қаратилади: билимлар мажмуининг амалда қўлланлиши; шахсининг укуви, хислатлари, фазилатлари; амалий фаолиятга тайёргарлик ўлчови;

муаммоларни ҳал этиш, амалда зарур натижаларни қўлга киритиш лаёқати; шахсининг профессионал фаолиятини таъминловчи билим, кўникма, малакалар яхлитлиги; фаоллашган(амалиётга татбиқ этилган) ўқув, билим, тажрибалар мажмуи;

шахсининг мақсадли йўналтирилган эмоционал ирода кучи. Айтилганларни умумлаштирилган ҳолда, компетенцияни шахсонинг ўз имконият(билим, ўқув, тажриба, шахсий сифат)ларини уларнинг ижтимоий аҳамиятини онгли уқиб, натижалари учун масъулиятни ҳис этган, доимий такомиллаштириб бориш заруратида англаган ҳолда профес-сионал ҳамда социал муҳитда ижодкорлик асосида ишга солишга тайёргарлик даражаси сифатида баҳолаш мумкин.

Талқинларда *компетенция* ва *компетентлилик* терминлари гоҳ маънодош, гоҳ маъноси фаркланадиган сўзлар сифатида учрайди. Назаримизда, уларни имконият ва воқелик диалектикаси асосида изоҳлаш, фарқлаш лозим бўлади. Бунга кўра, компетенция шахсининг

муайян фаолиятни амалга ошириш учун имконият сифатидаги тайёргарлик даражаси бўлса, компетентлилик унинг муваффақиятли равишда воқеланган, реаллашган, амалиётда юзага чиққан кўринишидир. Масалан, ҳунарманднинг ўз ҳунари бўйича билим ва лаёқати кабилар компетенция, у яратган маҳсулотда юзага чиққан билим, тажриба, лаёқат ва бошқа шахсий сифатларнинг "из"лари компетенциялиқдир.

Компетенция имконият табиатида эга бўлганларга сабабли унинг тўла намоён бўлиши учун зарур шарт-шариоит талаб қилнади. Компетенциянинг юзага чиқиши (компетентлиликка айланиши) тақдир омилига ҳам боғлиқ. Компетенция — компетентлиқнинг дастури. Ҳар бир шахс компетенцияси айрича, компетентлилик эса турли вазият, ҳар хил шариоитда ўзига хос тарзда намоён бўлади.

Компетенция тушунчаси куйидаги унсурларни ўз ичига олади:

талари субъектив ва объектив омиллар билан уйғунлашган ҳолда амал қилади. Ҳар бир инсон — бетакдор, ўта мураккаб мавжудлик. Бу мулоқот жараёнида ҳам яққол намоён бўлади. Инсоннинг бетакдорлиги унинг ақлий, руҳий, маънавий, жисмоний ва бошқа хусусиятларининг ўзига хослигида кўзга ташланади. Бу хусусиятлар мулоқот жараёни ибтидоисю интихосини, йўналишини, натижасини белгилашда муҳим ўрин тутди. Шу билан бирга, мулоқот йўналиши, натижаси устига яна қўлаб тақдир омиллар(нутқ вазияти, шариоити, маданий муҳит, ҳудудий ўзига хослик, социал фарқлар...) ҳам "қаватланиш"ини тасаввур қилса, сўзловчи ва тингловчининг шунчаки ахборот алмашинуви деб келинган мулоқотини бир ёки икки мезон билан ўлчаб, баҳолаб бўлмаслигига амин бўламиз.

Соддалаштириб, умумлаштириб айтганда, мулоқот жараёни серкирра система сифати-

Шахсда миллий тафаккур бўлмас экан, унда миллий маънавият, миллий руҳ бўлиши мумкин эмас. Халқнинг миллий тафаккур ва миллий маънавият даражаси унинг мавжудлиги ва тараққиёти гаровидир. Миллий тафаккурнинг юксалиши мустақил ва ижодий тафаккур механизмларининг нутқий малакасини ривожлантиради. Шунинг учун бир таълим олувчида мустақил ишлаш, ижодий фикрлаш, кўникма ва малакаларини ўстириш, аввало, она тили таълимининг зиммасига тушади. Бошланғич фикрлаш даражаси сусти бўлса, унда на боғланишлик, нутқни, на изчил мулоқот малакасини шакллантириб бўлади. Тафаккурни ривожланган боланинг нутқи бой, тўғри, раван ва прагматик хосланган бўлиши табиий. Мутахассислар томонидан 1970-йиллардан кейин совет дидактикасининг она тили таълими гайримиллий концепцияси барбод бўлиши-

малака учун муҳим. Лекин ўзбек тилидаги унлиларнинг юқори тур, ўрта кенг, қуйи кенглиги, лабланган ёки лабланмаганилиги, қисқа ёки торлиги ҳақидаги билимлар кўпинча амалий татбиқдан холи, она тили бўйича таълим олаётган, талаффуз бўйича белгиланган нуксонни кўникма, малакаларни эгаллаш учун дарсликдаги машқ ва топшириқларни ўн босқичли мустақил, ижодий изланиш иеархияси асосида бажариши керак. Улар куйидагилар: кузатиш, изланиш, алоҳидалиқларни шарҳлаш, умумийликни топиш, фарқларни аниқлаш, қиёлаш, тасниқлаш, ҳулоса чиқариш, алоҳидорликларни очиб, амалда қўллаш. Ҳукучи изчил кетма-кетликдаги бу амалиётни бажариш учун дарсликнинг ёрдамчи воситалари бўлган бой ахборот банки(лугатлар, қомуслар, маълумотномалар, матнлар тўплами ва бошқалар)га эга бўлиши лозим. Таъкидлаш лозимки, мустақил изланиш ва ижодий фикрлаш машғулотири ўқув материаллари таркибида фойдасиз лингвистик билимлар бўлмаслиги керак.

Она тили таълимининг когнитив-прагматик усули талабларига кўра, ўқувчи мавзу бўйича белгиланган билим, кўникма, малакаларни эгаллаш учун дарсликдаги машқ ва топшириқларни ўн босқичли мустақил, ижодий изланиш иеархияси асосида бажариши керак. Улар куйидагилар: кузатиш, изланиш, алоҳидалиқларни шарҳлаш, умумийликни топиш, фарқларни аниқлаш, қиёлаш, тасниқлаш, ҳулоса чиқариш, алоҳидорликларни очиб, амалда қўллаш. Ҳукучи изчил кетма-кетликдаги бу амалиётни бажариш учун дарсликнинг ёрдамчи воситалари бўлган бой ахборот банки(лугатлар, қомуслар, маълумотномалар, матнлар тўплами ва бошқалар)га эга бўлиши лозим. Таъкидлаш лозимки, мустақил изланиш ва ижодий фикрлаш машғулотири ўқув материаллари таркибида фойдасиз лингвистик билимлар бўлмаслиги керак.

Морфология бўлимидаги, дейлик, тушум ва қаратқч келишчилари кўшимчаларининг қўлланлиши бўйича берилган билимлардан лингвистик компетенция таркибига кирувчилари улардан бирининг исм(от, сифат, сон)ларни феълга, бошлаш лозимки, мустақил изланиш ва ижодий фикрлаш машғулотири ўқув материаллари таркибида фойдасиз лингвистик билимлар бўлмаслиги керак.

Лингвистик компетенция

Юқорида айтилганидек, ўтган аср она тили таълими ўқувчиларда асосан лингвистик компетенцияни ривожлантириш билан машғул бўлиб келди. Ҳукучиларнинг лингвистик компетенцияси уларнинг тил бўйича олган билимлари, бу билимларни амалиёт билан боғлаш кўникмаси ва нутқ хосли қилиш малакаси. Ҳукучиларга тил қўрилиши бўйича берилган билимлар озаки ва ёзма нутқни ривожлантиришга қаратилса, бу уларнинг лингвистик компетенциясини шакллантиришга хизмат этган бўлади. Озаки ва ёзма нутқ мукаммаллашуви учун нафи бўлмаган билимлар лингвистик компетенция таркибига

қиймайди. Умуман олганда, амалиёт билан боғланмайдиган, нутқий малака хосил қилмайдиган лингвистик билимларни бериш учун сарфланган маблағ ва вақт ўзини оқламайди. Масалан, сўз ургуси ҳақидаги билимлар сирасида четдан ўзлашган сўзларни тўғри талаффуз этиш қондалари ўқувчиларнинг нутқий малакасини ривожлантиради. Ҳукучи сўз ургусининг ўзбек тилида охириг бўғинга тушиши, айрим кўшимчаларнинг сўз охирида ургу олмаслиги ҳақидаги билимлар лингвистик компетенция таркибига кирмайди. Зеро, бу билимлар малакага айланмайди. Ҳукучи уларга эга бўлмаса ҳам, тегишли ўринларда сўз бўғинларига ургу беришда хато қилмайди.

Унли ва ундошлар ўпқадан чиқётган овознинг оғиз бўлишига тўсиқча ўчраши ёки ўчмаслиги асосида фарқланиши, ургу унли товушга тушиши, сўз бўғини унли товушлар сони асосида белгиланиши кабилар нутқий

гидек бўлиниши бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Она тили дарсликлариди "Сўзшунослик", "Сўз сеҳри", "Сўз қудрати", "Ўзимиз ва сўзимиз", "Сўзлар дунёси", "Сўзлар оламига саёхат", "Сўз сайри" (албатта, булар тахминий) каби бўлимларни ажратиш, фақат муайян синфда эмас, балки ҳар бир синфда сўз қўллаш, танлаш, сўзларнинг ўрнини алмаштириш, уларнинг янги маъноларини ўрганиш, имлоси ва талаффузини машқ қилиш каби машғулотларга қатта ўрин бериш зарур. Лугатлар билан ишлаш машғулотларини кўпайтириш керак. Бола она тилини тил жамиятидан ўрганганлиги каби, тилининг бугун гўё билим сифатида берилётган асосий фонетик, морфологик, синтактик қондаларини ҳам тилини эгаллаш жараёнида беҳиётёр равишда ўзлаштириб боради. Биз таълим жараёнида зарур бўлса, бу қондаларни уларга эслатиб қўйишимиз, лекин бунга асосий

диққат, вақт, маблағ сарфламаслигимиз керак. Она тилида сўзлайдиган, лекин у бўйича билим олмаган киши ҳеч қачон нутқиди товушларини нотўғри талаффуз қилиб, кўшимчаларни ўринсиз қўлаб, гапни қўрилиш жиҳатидан хато тузиб қўймайди. Лекин сўз бойлиги, сўз қўллаш малакаси махсус, кенг қамровли таълими талаб этади. Ҳулоса шуки, сўзшунослик лингвистик компетенциянинг асоси бўлмоғи лозим. Унинг она тили таълими мазмунида қатта ўрин эгаллаши белгиланган мақсадларга мувофиқдир.

Социолнгвистик компетенция

Социолнгвистик тадқиқот олиб борган олимлар тил ифодаларини қўллаш фақат нутқ шариоити, воситаси каби ҳодисалар билан эмас, балки **сўзловчи ва тингловчининг шахсий хислатлари, руҳий ҳолати, ҳар бир халқ, миллат, ҳатто ижтимоий гуруҳнинг ўзига хос, барқарорлашган урф-одатлари, расм-русумлари, яъни ижтимоий жиҳатлар** билан ҳам алоҳидорлигини таъкидлашмоқда. Масалан, халқимизда салом берилар экан, одоб, ҳурмат нуктаи назаридан қўли қўрқак қўйиб, бошни сал эгиб, таъзимга яқин ҳаракат қилинади. Бу — ўзбекларнинг миллий урф-одати. Мазкур ҳаракатларимиз **"Ассалома алайкум!"** деган тил ифодаси билан бирга амалга ошади. Абдулла Қодирий "Ўткан кунлар" романида бу этник маданият кўринишини куйидагича тасвирлайди: "Ку-муш уялиб зўрғагина салом берди ва Юсуфбек ҳожининг яқинига келиб бўйин эгди. Ҳожи қўли билан Қумушнинг елкасига қоқиб суйди ва Қумушнинг манглайига тегишиб олган ўз қўлини ўлди".

Мулоқот жараёнида тил воситалари нутқ одоби, мулоқот

маданияти, сўзловчи ҳамда тингловчининг шахсий хислатлари — дунёқараши, билим даражаси, қизиқишлари, кайфияти, саломатлиги, ёши, жинси, касби, муаммолари каби тақдир омиллар билан муштарак ҳолда юзага чиқади. Кишининг ўзга шахс билан унинг қайси миллат, элат, этник, диний ёки маданий муҳитга мансублигини ҳис этган, зарур шахсий хислатларини ҳисобга олган ҳолда мулоқот қилишга доир билим, кўникма ва малакалари мажмуи социолнгвистик компетенцияни ташкил этади.

Биз миллий, этник ва диний жиҳатдан кўптаркибли мамлакатда ашаймиз. Турли миллат, этнос, дин, диний конфессиялар, қарашлар, оқимлар мавжудлиги юртимизнинг этник ва диний жиҳатдан ўзига хослигини кўрсатади. Бу эса, кишиларнинг мулоқот маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришга аниқ талабларни қўяди, мулоқотда ўта нозик этномада-

а) мулоқотда шахснинг феъл-атвори, қайси этник, диний ёки миллий-маданий муҳитга, қайси жинс, тоифа ёхуд табақага мансублигини, руҳий, жисмоний ҳолатини, қизиқишларини инобатга олишга ҳамда унинг натижаси, самарасига дахлдор маълумотлар, бунга доир мақоллар, маталар, ҳикматлардан мисоллар бериб борилиши ва сингдирилиши, до-нишмандларнинг фикрларидан иборат жумла ва матнлар, нутқ одоби, нутқ маданиятига доир машқлар, топшириқлар системаси улар билан ишлаш механизми яратилиши, илоҳи борича **"Ёмғир ёғди ва ерлар лоли бўлди", "Мотор гуриллаб, машина олдинга интилди"**, каби эхтиёсизлик ёки билмаслик натижасида хатога йўл қўйиши мумкин. Шу боисдан таълим тарбия системаси зиммасида ана шу ҳолатлардан сақланиши, ўзаро мулоқотда ҳолатларнинг олдини олишга доир умумий тавсиялар ишлаб чиқиш, тўғри мулоқот стратегиясини танлашда ички ишонч, малака ва кўникмаларни шакллантириш вазифалари туради. Бу, айниқса, расмий ва ишбилармонлар учрашувларида, хизматчиликда, тадбир, маросимларда алоҳида аҳамиятга эга. Масалан, америкалик ишбилармон ёки расмий вакил музокарадан сўнг эркин бўлишга қулайлик учун оёқларининг бирини иккинчисининг устига қўйиб ўтиришга одатланган. Бироқ бу ҳолатни беписандлик деб билган япон ишбилармони ҳатто қўлга киритилган келишувдан воз кечиши ҳам мумкин. Чунки япон миллий-руҳий стереотип системасида бундай ҳолат йўқ ва у ҳамсўхбатга ҳурматсизлик саналади. Ўзбекистоннинг жаманубий вилоятларида пешинга-ча "Ҳорман!" ифодасини қўллаш маданиятсизлик саналади. Ёки этник маданият тушумлари **"Қаёққа?"** ифодаси ўрнида **"Йўл бўлсин?"** вариантини қўллашни талаб қилади.

Аслида, мулоқот формулалари йўл ҳаракати қондаларидан ҳам қатъийлиги билан характерланади. Мулоқот қондасини бузиш ҳурмат-эътиборнинг йўқолишига олиб келиши мумкин.

Мулоқот жараёнида ўзгаларнинг сизни оғиритган ҳолатларини эсланг. Учрашувларда бошқа киши сизга динингиз, тилингиз, жинсингиз, ёшингиз,

савиянгиз, қарашларингиз ёхуд лавозим даражанигизга мос келмаган муносабатда бўлган ҳоллар юз берган, албатта. Аниқроғи, бу ҳолат сиз амал қиладиган мулоқот маданияти қопилларига сиғмаган. Натижада гўё сизнинг шахсингиз беҳурмат этилган, назарингизда суҳбатдошингиз мулоқот маданиятига риоя қилмаган, нутқ одобини бузган. Айни ҳолат сиз томонингиздан бошқаларга нисбатан ҳам юз бериши мумкин. Бундай вазиятларнинг олдини олиш, умуман, суҳбатлашиш одобини тарбиялаш уларда социолнгвистик компетенцияни ривожлантиришни тақозо этади.

Социолнгвистик компетенцияни ривожлантиришга доир машғулотлар она тили бўйича машқ, топшириқлар сирасида устуворлашиши лозим. Дарс-ларда ушбу компетенцияни ривожлантириш куйидаги йўналишларда олиб борилиши мақсадга мувофиқ:

а) мулоқотда шахснинг феъл-атвори, қайси этник, диний ёки миллий-маданий муҳитга, қайси жинс, тоифа ёхуд табақага мансублигини, руҳий, жисмоний ҳолатини, қизиқишларини инобатга олишга ҳамда унинг натижаси, самарасига дахлдор маълумотлар, бунга доир мақоллар, маталар, ҳикматлардан мисоллар бериб борилиши ва сингдирилиши, до-нишмандларнинг фикрларидан иборат жумла ва матнлар, нутқ одоби, нутқ маданиятига доир машқлар, топшириқлар системаси улар билан ишлаш механизми яратилиши, илоҳи борича **"Ёмғир ёғди ва ерлар лоли бўлди", "Мотор гуриллаб, машина олдинга интилди"**, каби эхтиёсизлик ёки билмаслик натижасида хатога йўл қўйиши мумкин. Шу боисдан таълим тарбия системаси зиммасида ана шу ҳолатлардан сақланиши, ўзаро мулоқотда ҳолатларнинг олдини олишга доир умумий тавсиялар ишлаб чиқиш, тўғри мулоқот стратегиясини танлашда ички ишонч, малака ва кўникмаларни шакллантириш вазифалари туради. Бу, айниқса, расмий ва ишбилармонлар учрашувларида, хизматчиликда, тадбир, маросимларда алоҳида аҳамиятга эга. Масалан, америкалик ишбилармон ёки расмий вакил музокарадан сўнг эркин бўлишга қулайлик учун оёқларининг бирини иккинчисининг устига қўйиб ўтиришга одатланган. Бироқ бу ҳолатни беписандлик деб билган япон ишбилармони ҳатто қўлга киритилган келишувдан воз кечиши ҳам мумкин. Чунки япон миллий-руҳий стереотип системасида бундай ҳолат йўқ ва у ҳамсўхбатга ҳурматсизлик саналади. Ўзбекистоннинг жаманубий вилоятларида пешинга-ча "Ҳорман!" ифодасини қўллаш маданиятсизлик саналади. Ёки этник маданият тушумлари **"Қаёққа?"** ифодаси ўрнида **"Йўл бўлсин?"** вариантини қўллашни талаб қилади.

Аслида, мулоқот формулалари йўл ҳаракати қондаларидан ҳам қатъийлиги билан характерланади. Мулоқот қондасини бузиш ҳурмат-эътиборнинг йўқолишига олиб келиши мумкин.

Мулоқот жараёнида ўзгаларнинг сизни оғиритган ҳолатларини эсланг. Учрашувларда бошқа киши сизга динингиз, тилингиз, жинсингиз, ёшингиз,

Прагматик компетенция

Тил таълимида прагматик компетенция ўқувчиларнинг тил имкониятларидан **нутқ услубларида, шариоити, вазиятига нутқий вазият** учун самара нуктаи назаридан танлаш ҳамда қўллашга тайёргарлик даражаси унинг прагматик компетенцияси сифатида қаралади.

Демак, она тили таълимида прагматик компетенцияни ривожлантириш ўқувчида нутқ вазиятини тўғри баҳолашни, унга мос сўзлаш шахсий сифатларини қарор топтиришни қўзда тутди.

Умуман олганда, компетенциянинг ёндашув концепцияси она тилининг анъанавий таълими мазмун-мундарижасини тубдан замонавийлаштиришни тақозо этади. Бунга мутахассислар ҳам, ўқитувчилар бирдай масъулдирлар.

Бахтиёр МЕНГЛИЕВ, Ўзбекистон Миллий университети профессори, Гулсара ЗИЕДУЛЛАЕВА, Республика таълим маркази методисти

Миллат mulki

прагматик таълимининг негизини ташкил этади. Ҳукучиларнинг нутқий вазиятини тўғри, хо-лис баҳолай олишга доир тайёргарлик даражаси (билим, кўникма, малакалари мажмуи) прагматик компетенция ҳисобланади.

Бугунги кунда тил таълимига прагматик ёндашув давр талабига айланмоқда. **Прагматика** термини юнонча *pragma, pragmatos* сўзидан олинган бўлиб, "иш", "ҳаракат", "фаолият", "амалиёт" маъноларини билдиради. У тилшуносликда **тил бирликларининг нутқ шариоити, вазиятига мос равишда қўлланли хусусиятларини** англатади. Прагматик тилшунослик тил ҳодисаларини мулоқот вазияти, шариоити сингари ҳолисони ҳодисалар билан боғлиқ ҳолда ўрганади. Шу жиҳати билан прагматик тилшунослик тилини инсондан, жонли ҳаётдан холи ҳолда тадқиқ қиладиган тилшуносликлардан, прагматик она тили таълими эса тилини нутқ вазияти, шариоитидан ажратиб ўқитадиган анъанавий таълимдан фарқланади.

Ҳар бир киши муайян мулоқот вазиятида ўз мақсадига мувофиқ равишда қўллаб вариантдош тил ҳодисаларидан айни шу вазият учун мосини танлаб қўллаш малакасига муайян даражада эга. Масалан, бир киши иккинчи бир кишини ўз олдига келишга ундамоқда. Бу "Бу ёққа кел!", "Бир келгин!", "Бир келиб кет!" "Келасанми!", "Келақол!", "Келинг-да!", "Ҳой, бу ерга!", "Эй, бу ёққа!", "Менга қара(нг)!", "Бир дақиқа!" "Мумкинми?" "Далончи(жон/хон/ака/опа)!" каби юзлаб қўллаш ҳолатлари, ҳар хил имошоралар ёрдамида воқеланиш имконига эга. Лекин улар қандай нутқий вазиятда, қимга нисбатан ишлатилиши, қандай самара бериши жиҳатидан кескин фарқланади. Бунда сўзловчининг ушбу шариоит, вазият учун қамроқ қувват сарфлаб, қўпроқ самарага эришишни таъминлайдиган тил бирлигини танлаш компетенцияси ишга тушади. Бошқача айтганда, кишида тилининг "Бу ёққа кел!" қазина-сидан нутқ вазияти, шариоитига мувофиқ фойдаланиш лаёқатининг ривожланганлиги даражаси мулоқот натижаси ва самарасига жиддий таъсир кўрсатади. Шу асосда айтиш мумкинки, она тили машғулотирида ўқувчиларнинг тил воситаларини **аниқ нутқий вазият** учун самара нуктаи назаридан танлаш ҳамда қўллашга тайёргарлик даражаси унинг прагматик компетенцияси сифатида қаралади.

Демак, она тили таълимида прагматик компетенцияни ривожлантириш ўқувчида нутқ вазиятини тўғри баҳолашни, унга мос сўзлаш шахсий сифатларини қарор топтиришни қўзда тутди.

Умуман олганда, компетенциянинг ёндашув концепцияси она тилининг анъанавий таълими мазмун-мундарижасини тубдан замонавийлаштиришни тақозо этади. Бунга мутахассислар ҳам, ўқитувчилар бирдай масъулдирлар.

Прагматик компетенция

Тил таълимида прагматик компетенция ўқувчиларнинг тил имкониятларидан **нутқ услубларида, шариоити, вазиятига нутқий вазият** учун самара нуктаи назаридан танлаш ҳамда қўллашга тайёргарлик даражаси унинг прагматик компетенцияси сифатида қаралади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги ПҚ-573-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги 409-сонли ва 2002 йил 25 январдаги 33-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида:
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарори талаблари асосида, 2014-2015 ўқув йилида 1-синфга борадиган ўқувчилар ва яқка тартибда уйда таълим оладиган болалар учун ўқув куроллари ҳамда кам таъминланган оилаларнинг 1—9-синф ўқувчилари учун кишики иссиқ кийим-бош тўпламлари харид қилиш учун очиқ тендер савдолари ўтказди. Тендер савдоларида ғолиб чиққан корхона ва ташкилотлар
РЎЙХАТИ

Болалар курткиси бўйича:

- 1 ALFA BETTA MCHJ
- 2 AND-DUR XF
- 3 ANIKS TEKSTIL MCHJ
- 4 BARKAMOL ME'MOR MCHJ
- 5 DILSHOD MCHJ
- 6 GOLDEN FANTAZY MCHJ
- 7 HAMNAFAS HAMKOR MCHJ
- 8 ISTAMBUL TEKS MCHJ
- 9 KALINA LUX MCHJ
- 10 KASMIR LTD MCHJ
- 11 KOMETA AND MCHJ
- 12 LOCHIN XSICHF
- 13 MATONAT MXICHK
- 14 MINI-MAX GLOBAL TRADE MCHJ
- 15 Nogironlar jamiyati qoshidagi SHAHRIXON SHUHRATI XK
- 16 OLIS KOINOT MCHJ
- 17 ORZU-OSIYO MCHJ
- 18 QOBILJON MOHIR TIKUVCHI MCHJ
- 19 ROHAT SAVDO SERVIS MCHJ
- 20 SANOAT KUCHI MCHJ
- 21 SATURN PLYUS UPITER MCHJ
- 22 SELESTA XICHSF
- 23 SEZGIN PLYUS MCHJ
- 24 SHOX JAHONGIR MIRZO MCHJ
- 25 TARAQQIYOT KO'LI XK
- 26 YANGI ME'ZON MCHJ

Ўсмирлар курткиси бўйича:

- 1 AL-ARAB SHERZOD MCHJ
- 2 ALFA BETTA MCHJ
- 3 AND BEGIJON MCHJ
- 4 ANIKS TEKSTIL MCHJ
- 5 BARKAMOL OMINA LYUKS XK
- 6 FAYZLI SARDOR XK
- 7 GOLDEN FANTAZY MCHJ
- 8 INSOF SARI BARAKA FAYZ MCHJ
- 9 ISTAMBUL TEKS MCHJ
- 10 JAMSHIDBEK AHRORIY SERVIS MCHJ
- 11 KALINA LUX MCHJ
- 12 KOMETA AND MCHJ
- 13 LOBAR SAVDO RIVOJ MCHJ
- 14 MADINABONU BARAKA TIKUVCHI MCHJ
- 15 MADOR TEKS MCHJ
- 16 MANGU-DIYOR SHK
- 17 NAZARMAHRAH SAVDO LYUKS XK
- 18 Nogironlar jamiyati qoshidagi SHAHRIXON SHUHRATI XK
- 19 NURAFSHON TA'MIR QURILISH MCHJ
- 20 OLIS KOINOT MCHJ
- 21 ORION GAMMA XK
- 22 QOBILJON MOHIR TIKUVCHI MCHJ
- 23 ROHAT SAVDO SERVIS MCHJ
- 24 SATURN PLYUS UPITER MCHJ
- 25 SEZGIN PLYUS MCHJ
- 26 TIKUV SAMARA MCHJ
- 27 TIKUVCHILIK SANATI MCHJ
- 28 UMIDBAXSH IMKON XK
- 29 XUSHBAXT ELEGANT XK
- 30 YANGI ME'ZON MCHJ

Болалар пойафзали бўйича:

- 1 FENIX MOBILE GARANT MCHJ
- 2 GAVHAR BIZNES RIVOJI MCHJ
- 3 GOLDEN FANTAZY MCHJ
- 4 HAMKOR ELIGANT PLYUS MCHJ
- 5 HIKMAT SAODAT XK
- 6 INTER GIGANT SERVIS MCHJ
- 7 KOSONSOY AL-AZIZ LTD MCHJ
- 8 MEGA ALFA SANOAT MCHJ
- 9 NUR-RAVSHAN MCHJ
- 10 ORENA REKON AND MCHJ
- 11 SADO-2000 KTICHSK
- 12 SANOAT REAL IMKON MCHJ
- 13 SAVDO BROKER XK
- 14 SEUL AND LUX MCHJ
- 15 SUDAYSI KTICHSF
- 16 VODIY LYUKS SERVIS XK
- 17 VODIY RAVNAQ KAMOLI MCHJ
- 18 WINKLER ICHK

Ўсмирлар пойафзали бўйича:

- 1 BUNYODKOR VODIY RIVOJI MCHJ
- 2 ELIT DIAMOND XK
- 3 FAYZ ALI BATIST MCHJ
- 4 GAVHAR BIZNES RIVOJI MCHJ
- 5 GOLDEN FANTAZY MCHJ
- 6 HIKMAT SAODAT XK
- 7 IBRAT MCHJ
- 8 IQBOL KTXK
- 9 LIANOR SAVDO MCHJ
- 10 MADINABONU-FZ XKTICHSF
- 11 MEGA ALFA SANOAT MCHJ
- 12 MEYDAN INTERNATIONAL XK
- 13 NURAFSHON DARGOH MCHJ
- 14 O'RIKZOR QUVONCHI XK
- 15 OROM LYUKS XK
- 16 ROHATBAXSH ME'ZON XK
- 17 RT KVART SERVIS MCHJ
- 18 SEUL AND LUX MCHJ
- 19 SUDAYSI KTICHSF
- 20 ULUG' SAVDO ELIGANT XK
- 21 VODIY HAMKOR PARRANDA FX
- 22 WINKLER ICHK
- 23 WOLF MASTER CLASS MCHJ

Болалар қалпоғи ва қўлқопи бўйича:

- 1 ABUZAR-XON XF
- 2 ALI YOQUT HAMKOR MCHJ
- 3 ASAKALIK SHIRIN KTSICHF
- 4 DUR-TEX SERVIS MCHJ
- 5 GEFRES XK
- 6 NURAFSHON LYUKS XK
- 7 SIBNO MCHJ
- 8 TADBIR MCHJ

Ўсмирлар қалпоғи ва қўлқопи бўйича:

- 1 ABUZAR-XON XF
- 2 ASAKALIK SHIRIN KTSICHF

- 3 DUR-TEX SERVIS MCHJ
- 4 MOVISTAR XK
- 5 NAFIS-TEXTIL MCHJ
- 6 SIBNO MCHJ
- 7 TADBIR MCHJ
- 8 UNIVERSAL SERVIS ZET MCHJ
- 9 XAZINA GRANT TEX XK
- 10 XIZMAT GARANT ELIT XK

Ўқувчилар сумкаси бўйича:

- 1 ATIRGUL G'UNCHASI ICHSK
- 2 CHIN ILHOM XICHK
- 3 CHIN SHARQ MCHJ
- 4 HUMO-TEKS KTKK
- 5 INOQ XKTICHF
- 6 MADINA-97 MCHJ
- 7 MILANO MILLENIUM XK
- 8 MRIYA XSICHK
- 9 NURXAMKOR PLYUS XK
- 10 ORZU OSIYA MCHJ
- 11 ORZU-ATTORLIK MCHJ
- 12 PARPI OTA KTXF
- 13 SAG'BON TIKUVCHI ELIT MCHJ
- 14 SHOX-AKBAR XSICHF
- 15 TEMUR SALTANATI XF
- 16 TYAN SHAN SPORT JIXOZLARI MCHJ
- 17 VISOL NUR ICHK
- 18 XO'JA OBOD MCHJ

Ўқув куроллари бўйича:

ДАФТАР (12 варақ)

- 1 SANO-STANDART MCHJ

АКВАРЕЛЬ БЎЁФИ (12 рангли)

- 1 UNIVERSAL SAFETY GOODS MCHJ

ПЛАСТИЛИН

- 1 SARDAZ IMPEX MCHJ

РАНГЛИ ҚАЛАМ (12 рангли)

- 1 OZIQ-OVQAT SAVDO MCHJ
- 2 VIP UNIVERSAL XK

ОДДИЙ ҚАЛАМ

- 1 VIP UNIVERSAL XK

ПЕНАЛ

- 1 MANGU DIYOR MCHJ

РАСМ ДАФТАРИ (12 варақ)

- 1 SANO-STANDART MCHJ

РАНГЛИ ҚОФОЗ ТЎПЛАМИ (12 рангли)

- 1 SANO-STANDART MCHJ

РУЧКА

- 1 OZIQ-OVQAT SAVDO MCHJ

ЎЧИРФИЧ (ластик)

- 1 VIP UNIVERSAL XK

ЕЛИМ (клей)

- 1 SARDAZ IMPEX MCHJ

ДАФТАРИНГ — ЮЗИНГ

Ўқувчи мактабга илк қадам кўйиб, таълим даргоҳи улғу маскан, устозлар меҳрибон, жонқуяр ва билимдон зот эканини ҳис этади. Зиё истиғдаги мурғак қалб эгаси катта ҳавас билан билим эгаллашга киришади. Улкан йўл бошида турган ўқувчи ўқув курулларини тоза-озода, саранжом-сарашта тутишни, улардан тўғри фойдаланиш ва ҳуснихатни биринчи кундан ўргатиб бориш зарур.

Ўқувчининг дафтар тутишига қатор талаблар қўйилади. Аввало, унинг ташқи кўриниши ўқувчи-га мос бўлиши, муқоваси имло қоидаларига амал қилинган ҳолда, тартиб билан ёзилиши лозим. Айрим ўқитувчилар дафтар юзига қўшимча қоғоз ўрашни тавсия этишади. Назаримда, бундай исрофгарчиликка ҳоҳат йўқ. Чунки кўрсатилган жой-га чапламасдан, беҳато, тартиб билан ёзиш ва махсус жилд қоплашнинг ўзи кифо.

Ўқувчилар дафтарини та-лабларга мос ҳолда тутишни мунтазам тек-ма-ман, айниқса, уй вази-фасини баҳолашда бунга алоҳида эътибор қаратаман. Имло хатоларисиз ёзилган, намунали сақланган китоб-дафтарлар эгаларини рағбатлантиришни қанда қилмайман. Бу бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув курулларидан эътиборли билан, самарали ва узоқ муддат фойдаланишига хизмат қилади.

Бундан ташқари, хона бурчагидида «Синф кўзгу-си»да намунали дафтарлар кўргазмасини ташкил этганмиз. Ҳар ҳафта якунида «Дафтар — сизнинг юзингиз» мавзусида ижодий суҳбатлар ўтказиб, намунали дафтарларга юқори баҳо бераман. Бу кичик танловда голиб чиққан болаларни дафтар, ручка, бадий китоб каби совғалар билан тақдирлайман. Ўғил-қизларни рағбатлантириш орқали уларнинг ҳуснихати чиройли бўлишига ва ҳарф элементларини тўғри ёзишига эришяпман.

1-синфдаёқ ҳарфларни тўғри ва чирой-ли ёзиб, дафтар-китобини тартибли тут-ган ўқувчи юқори синфларга ўтганда ҳам бунга амал қилади.

Шахло ОБИДОВА,
Косон туманидаги 4-умумтаълим
мактаби ўқитувчиси

2014-yil — Sog'lom bola yili

Дилларга ўзгача шукҳ бағишлан-ган кўкман нафаси Фарғона тараф-ларда ҳам эсмоқда. Шаҳардаги 1-сонли санаторий типидидаги мактаб-га таълим муассасаси ҳовлисининг озодлиги ва саранжомлиги кўзни қувватлади. Бу масканда 154 нафар кичкинтой тарбияланмоқда.

— Муассасамиз тарбияланувчи-

ходимлари кичкинтойлар билан туну кун иш олиб боришади. Тиббиёт хонаси керакли ускуна ва жиҳозлар, дори-дармонлар билан таъминланган. Табиий гиёҳ, чой ва дармондорилар жамланган махсус фитобар болаларни соғломлашти-ришда қўл келмоқда.

МЕҲР ВА ЭЪТИБОР ОҒУШИДА

лари машғулотларга аниқ тартиб асосида жалб этилади, ўғил-қизлар саломатлиги қатъий назорат-га олинган, — дейди боғча муди-раси Фарида Йўлдошева. — Бола-ларга бир кунда беш маҳал иссиқ овқат берилади. Чунки бемор бо-лалар учун тўғри ва сифатли ов-қатланиш жуда муҳим. Бунга ория қилган боланинг иммунитети мус-таҳкамланиб, соғлиги тез тикла-нади.

Дарҳақиқат, малакали тиббиёт

Тарбияланувчилар интеллектуал машғулотларда ҳам фаол иштирок этиб, билим ва кўникмаларини бо-йитиб боришяпти. Гуруҳларда чет тилларни ўргатишга ихтисослашти-рилган тўғараклар ташкил этилган. Бундай шарт-шароитларни кўриб, юртимизда соғлом авлодни вояга етказиш энг асосий вазифалардан бири эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз.

Абдувосит СИДДИКОВ

ҚАЛБ ОЗИФИ

фики, гоғлардан таъсирланади. Матн билан танишув, уни тах-лил этиш ва тушуниш ўқувчи-нинг нутқи, дунёқарашига, ха-рактерининг шаклланишига, сезгисининг ривожланишига ёрдам беради. Айниқса, болалар сўз бойли-гини ошириш, тафаккурини кен-гайтиришда халқ оғзаки ижо-дининг ўрни беқийс. Масалан, ўзбек халқ эртақларидан бири «Зумрад ва Қиммат»ни олайлик.

Бадий адабиёт инсон маъ-навияти, руҳий оламнинг мах-сулидир. Унинг одамлар дунё-қарашини, тафаккурини, руҳини, ишонч ва эътиқодини ривожлан-тиришдаги ўрни ҳам, қалблар-да унга эътиёб, интилиш ҳам доимо катта. Кичиклигидан ки-тобга ошно бўлган бола тоза қалб эгаси бўлиб камолга ета-ди, халқимизнинг бой маънавий меросига ҳурмат билан қараш-ни, авайлаб-асрашни ўрганади. Етти ёшдан ўн ёшгача бўлган даврда болалар жисмоний ва руҳий ривожланиши жадаллаша-

Асосий вақтини ўйинлар билан ўтказган бошлан-ғич синф ўқувчиси-га мактабда 45 дақиқа бир жойда ўтириб тинглана-диган дарслар зерикари туюлиши мумкин. Бунинг олдини олиш педагогдан катта маҳорат талаб этади. «Алифбе» дарсини суҳбат тарзида уюштириб, кўпроқ кўзгазмали курул ва таркатма материаллар-дан фойдаланиш ўғил-қизларнинг дарсга қизиқиши-ни оширади. Мисол учун, О, Н, А ҳарфлари ўтилган, ўқувчилар нутқини бойитиш ва билимини мустаҳкам-лаш учун *ола, поп* каби расм туширилган варақлар тайёрланади. Расмларга илова тарикасида ҳар би-

Boshlang'ich ta'lim

ЎҚУВЧИ ЗЕРИКМАСЛИГИ УЧУН...

рига биттадан ҳарф ёзилган кичик қоғозчалар тарқа-тилади. Ўқувчидан расм ва ҳарф мутаносиблигини таъминлаган ҳолда сўзни тўғри ёзиш талаб этилади. Ўғил-қизлар вазифани мустақил бажариб, ҳарфлар-ни ёдда сақлаб қолади, сўзларни тез ўқишга одатла-нади. Толпириқларни бажаришда қийналган, бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билан алоҳида қўшимча машғулот ўтиш мақсадга мувофиқ. Масалан, *ола* сўзи-ни талаффуз қилдириш, эшитган ҳарфларни айти-риш, сўзни бўғинга ажратишни қарсақлар орқали амалга ошириш, ҳарфларни жой-жойига қўйиш каби-лар машғулот самарадорлигини таъминлайди.

Кейинчалик бу интерфаол методни мураккаблаш-тириб, болаларни ҳар бирига биттадан сўз ёзилган таркатма материаллар ёрдамида мустақил равишда гап тузишга ҳам ўргатиш мумкин. Бунда содда гап-лардан фойдаланган макул: *Tolib, ana Bilol; Bilol — bilimli bola.*

Саломат МАДАМИНОВА,
Кўшқўпир туманидаги 18-умумтаълим мактаби
ўқитувчиси



Toshkent shahri
Matbuotchilar ko'chasi 32-uy.
"Ma'rifat" gazetasi tahririyatiga
E-mail: info@mailrifat.uz

ЯНГИОБОД ЧЕЧАКЛАРИ

Кўллаб шоир, ёзувчи ва санъаткорлар қишлоқ-да туғилган. Уларнинг қалби тоғлар, дашту дала-лардаги ўзгача сокинлик, чексиз кенгликлардан илҳом олган бўлса, ажаб эмас. Аммо айтиш жо-изки, ҳар қандай талант ёки қобилиятнинг юзага чиқиши учун қулай шароит, муҳит бўлиши зарур. Қишлоқ жойларда бу вазифани ҳал этиш, меним-ча, ўқитувчилар, айниқса, адабиёт фани муалли-ми чекига тушади.

Ўзим она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси-ман, шеър машқ қиламан, матбуотда мақолала-рим чиқиб туради. Ижодкорлик, яратувчанлик ишқи ҳар бир қалбда яшайди. Ноёб иқтидор соҳибла-рини кашф этиш, тарбия-лаш, бола-ларни ижода қизиқтириш мақса-дида адабиёт дар-сларини қизи-қарли, баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтказишга интиламан. Болаларни шеър ва бадий асарлар ўқишга ундайман. Баъзан ўқувчилар ўзлари қизиқ-қан китобларни топа оlishмайди. Шундай пайтда уларга шахсий кутубхонамдаги китобларни бериб тураман.

Мактаб дарсликларидидаги эртақ, дoston, қисса, роман ва драматик асарлардан парчалар бутун асардаги гоғ ва мазмунни тўла очиб беролмайди. Шунинг учун ўқувчиларнинг бу асарларни муста-қил равишда тўлиқ ўқиб чиқишга қизиқтирмаман. Мактабимизда ҳар чоракда китобхонлар анжума-нини ташкил этиб, қилган асарлар бўйича баҳс-мунозара, савол-жавоблар ўтказамиз. «Ёш қалам-кашлар» тўғрари мунтазам ишламоқда. У ерда болалар турок, қоғия, вазн, жанр, тугун, асар қулыминацияси, ечим, ҳулоса каби тушунчалар бил-ан танишади. Болалар ижод қилган шеър ва ҳико-яларни мактаб деворий газетасида бериб бо-рамиз.

Саъй-ҳаракатларимиз бесамар кетмаяпти. 2005, 2008 йилларда туманимиз мактаблари ўқувчилар-нинг «Янгиобод чечаклари» номли иккита илк машқлари тўплами нашрдан чиқди. Шеър ва ма-қолалари «Гулхан», «Тонг юлдузи», «Жиззах ҳақиқати», «Янгиобод тонги» каби газета ва жур-налларда мунтазам чоп этилаётгани ёш қалам со-ҳибларини янада рағбатлантирапти.

Бекназар ТОШБОЕВ,
Янгиобод туманидаги 1-ИДУМ ўқитувчиси

СИНФГА ЯНГИ ЎҚУВЧИ КЕЛДИ...

Мактаб маъмурияти ва психологи билан ҳамкор-ликда боладаги ноҳуш ўзга-ришларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқдик. Ўқувчимда лидер-лик қобилияти борлигини сезиб, синфда ўғил бола-

«4» ва «5» баҳо билан ўқимокда.

Тарбияси оғир ўқувчилар билан «Кактус методикаси» бўйича иш олиб бораман. Ўқувчи чизган кактусни тах-лил қилиб, тарбиянинг қайси жабҳасида ёрдамга муҳтожлигини билиб олиш мумкин. Синф ўқувчилари ҳулқда оғиш ўз бермас-лиги учун ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика тахшис маркази тавсия этган махсус те-стлар ҳам қўл келмоқда.

Сирасини айтганда, фар-зандларимиз камоли йўли-да нимаики имконият бўлса, барчасидан фойдаланишга интилапмиз.

Ҳафиза РАШИДОВА,
Термиз шаҳридаги
13-умумтаълим мактаби
ўқитувчиси

Tarbiya — saodat

лар сардори қилиб тайин-ладим. Инглиз тили ва во-лейбол тўғрарига жалб эт-дик. У аста-секин ижобий томонга ўзгара бошлади: «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида фаол иш-тирок этиб, фахрий ёрлик билан тақдирланди. Фан ойикларида, тadbир ва танловларда, билимлар беллашувида ютуқларга эришди. Ҳозир 8-синфда

Mutolaa zavgi

Унинг мисолида ўқувчида одоб-ахлоқ, ён-атрофдагиларга ҳур-мат ва эътибор тушунчалари шаклланади. Зумраддаги хуш-муомалалик, меҳнатсеварлик, ширинсўзлик, камтаринлик ва оққўнгиллик фазилатлари орақ-ларга сингиб, Қимматга хос бадфеълик, оққўзлик, худбин-лик, ишқмаслик, қизғанчиқлик иллатларига нисбатан муро-са-сизлик тўғриси шаклланади. Айтиш жоизки, бошланғич

синф ўқитувчилари фақатгина дарслик билан чегараланиб қол-май, синфдан ташқари машғу-лотларда мактаб, шаҳар, вилоят кутубхоналарига саёхатлар уюштириб, у ердаги китоблар билан таништириши, кутубхона-га аъзо қилиши ўғил-қизларда китобхонлик сифатларини шакл-лантиради.

Курсия КЎЛДОШЕВА,
Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси методисти,
Маҳматшо ЖУМАЕВА,
бошланғич синф ўқитувчиси

Катта сахна. Залга тумонат одам йирилган, лекин тик этган товуш эшитилмайди. Ҳамма жаҳоннинг турли мамлакатларидан таширф буюрган, сахна ортида туриб томошабинлар олқишига мушарраф бўлиш илнжидида хавотир билан юраклари орзикаётган рақс санъати усталарининг чиқишларини интиқлик билан кутмоқда. Сиз-у бизга миллий рақслар намоиши билан бирга уларнинг келиб чиқиши, мазмун-моҳияти ҳақида кенг тасаввур уйғутувчи мазкур тантанани рамзий маънода "Халқаро рақс фестивали" деб номладик. Рамзий фестивал давомида томошабинлар ҳар бир халқнинг миллий рақсларини томоша қилиш билан бирга уларнинг тури, ихро услуби ҳақида ҳам кенг маълумотга эга бўлиб борадилар.



ЎЗБЕК РАҚС АНЪНАЛАРИ

Бошловчининг таъкидлашича, рақс бундан бир неча минг йиллар илгари, яъни антик даврда пайдо бўлган. У асрлар давомида тарихий, ижтимоий ва географик шароитлар таъсирида такомиллашиб, бугунги кўринишга етиб келган.

Сахнага миллий либоси – сари ҳамда тақинчоқлар билан безанган ҳолда кириб келган қизлар жозибали оҳанг остида дастурни бошлаб беришди. Ҳиндистон бой рақс санъатига эга мамлакат, ҳинд халқи азал-азалдан "Рақс – бу узок умр кўриш демакдир" шиорига амал қилиб келади. Ҳар бир ихрода такрорланмас жозибаси, ўзига хос маъно-мазмун намоён. Раққоса ўз ҳиссиётларини рақс орқали атрофдагиларга «сўзлаб» беради. Ҳиндистонда бирор жонивор (масалан, илон, йўлбарс каби)га тақийд қилган ҳолда рақсга тушиш ҳам кенг ривожланган. Ҳинд миллий рақсларини ихро этиш учун ҳам жисмонан, ҳам руҳан кучли бўлиш талаб этилади. Бундай рақсларга Бхарата-Натя, Катхак, Катхакали ва Манипури мисол қилиб келтириш мумкин. Рақсга тушишда кейинчиликларни енгиш ва ҳаракатларнинг чиройли чиқиши учун раққослар болаликдан хореография мактабларига берилади. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, мамлакатда миллий рақслар билан бир қаторда замонавий рақс турлари ҳам ривожланиб бормоқда.

Ҳинд рақсларида жуда катта маъно ифодаланади. Ўз қаҳрамонининг ички оламни очиб бериш учун раққоса мимика, бошни қимирлатиш усулидан фойдаланиб, бел, қўл ва оёқларини ҳаракатга келтиради. Юз ифодаларининг ўзгармас (хурсандчилик, тушунчлик, бахтиёр, ажабланиш, нафратланиш, кўрчинчилик, газабнок, сеvgини тарафнам этувчи) ва ўзгарувчан (саросималик, рашкни англатувчи) турлари мавжуд. Ҳинд раққослари ихро жараёнида тўрт ёрданчи воситадан унумли фойдаланишди: саттвика (ҳаракатлар мимика, қўш ёш, анча билан очиб берилади), ангика (ихро вақтида воқеа пантомимик имо-ишоралар билан тасвирланади), ваҷика (бошқа бир инсон жараёнида иштирок этиб, раққоса ҳаракатлари орқали нима демоқчи эканини тушунтириб беради), ахарья (унда ихрочининг грими ҳамда миллий либоси биринчи даражали ҳисобланади), кўпроқ эътибор шунга қаратилади). Ҳиндлар мураккаб ихро жараёнида 200га яқин рақс элементларидан фойдаланишди. Содда ихро эса 7га қўш, 13га бош, 36га қўш қараш ва бта бурун ҳаракатидан иборат. Ихрочиларнинг турли рангдаги ёрқин либоси рақс образларига аниқлик кирипти туради.

Ҳиндларнинг жарангдор мусикалари ўрнини қўлоққа ҳуш ёқувчи испан навалари эгаллади. Сахнага қизил либос кийган латофатли испан қизлари но-

зик ҳаракатлар билан бир саф бўлиб чиқиб келишди. Бир йигитнинг қўлида гитара, қоланлари турли машқлар бажариш билан банд. Уларнинг нозик хатти-ҳаракатларидан Европада профессионал рақс санъатининг ривожланишида Юноистон ва Рим рақс санъатининг салмоқли ҳиссаси борлиги билиниб туради. Маълумки, ўрта асрларда жонгдор, шпилман ва скоморхлар ихродигагина профессионал рақсининг илк кўринишлари намоён бўлган. XV–XVI асрларда морески, баллафигурато номли сюжетли рақслар оммалашган ва ўша пайтларда рақс ҳақида кўпгина рисола ва дарсликлар яратилган.

Энди сахнада ихро этилаётган рақс ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, фламенко – испан халқининг миллий рақси ёрқин рангли либослар, гитара оҳанги билан ажралиб туради. У бошқа рақс турларидан анча кейин, яъни 1780-йилларда Испаниянинг Андалусия шаҳри ҳудудига вужудга келган. Ўша даврларда турли халқ вакиллари — араблар, лотин америкаликлар яшаган ва уларнинг аъёналари бирилашиб, қоришиқ маданият вужудга келган. Раққослар елка, қўл, оёқ ҳаракатларидан фойдаланиб, пошнасини ерга ритмик тарзда тақиллатиб уришади. Фламенко ўзининг нозик ва жарангли оҳанг ҳосил қилувчи қадам товушлари, қайроқ, отлардан фойдаланган ҳолдаги ижроси билан ажралиб туради. Раққоса эса ўзидаги барча ифодани тана ҳаракатлари ва рақсга жозибаси қўшуви кўз қарашлари орқали ошкор этди.

Бошловчи наватбадгаги чиқишга ҳозирлик қўраётган ирландиялик хореографларни сахнага чорлаб, томошабинларга рақсга тушишининг инсон саломатлиги учун бир қатор фойдали жиҳатлари борлиги ҳақида қизқарма маълумотларни бериб ўтди. «National Herat», «Lung and Blood» институтлари олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотларга кўра, рақсга тушиш юрак касалликларининг олдини олади, суяк ва мушаклар фаолиятини яхшилаб, қанд касаллигига қарши курашиш ҳамда ортқча ваздан қутулиш, энг асосийси, стресс ҳолатидан қийиб кетишда жуда катта ёрдам беради.

Sean-Nos — ирланд халқининг энг қадимий миллий рақсларидан бири. Раққослар сахнада ўзгача завок билан хиром айлар экан, бу рақс турининг бундан 12 аср муқаддам пайдо бўлгани сезилиб туради. Ушбу халқ маданиятининг бир қисmini ташкил қилувчи рақс тури томошабинни ўрта асрлардаги зодагон қатламнинг сеvimли ва кўнгличар томошаси сари етаклайди. Бугунги кунда унинг кейли (жамоа бўлиб айлана, ёнма-ён ҳолатда елкаларни тик, қўлларни эса либос этакига тутиб шахдам қадам ташлаш), яъна ва тармоқ (энг қўли билан тўрт жуфт раққоснинг мусикага мос тарзда бир-би-

рига қарама-қарши ҳаракатларини) рақс турлари мавжуд. Ирланд ва шотланд халқининг миллий рақсларида бир-биридан фарқли жиҳатлар мавжуд. Шотландияликлар оёқларни ерга уриб овоз чиқармайди, ирландияликлар эса бу усулдан самарали фойдаланишади. Шунингдек, шотландлар оёқлар ва қўлларни турли ҳаракатларга келтиришса, ирландлар оёқларни жуфтаб, қўлларни ҳаракатланаётган танага зич тутган ҳолда рақсга тушишади. Либос масаласида ирландлар шим, шотландлар ўзининг миллий матоси тартан материалидан тикилган катакли юбкаларни ташлашади.

Германиянинг "Бавария рақси" деб

Dunyo xalqlari raqslari

Сахнани ларзага келтирган ҳолда ўз чиқишини тамомлаган ихрочиларни кузатиб қолар экан, байрам дастурини олиб бораётган бошловчи бугунги кунда "лазги"нинг бир неча тури мавжудлигини таъкидлаб ўтди: "Қайроқ лазги", "Дутор лазгиси", "Сурнай лазгиси", "Салки лазги" ва бошқалар.

Ушбу рақсининг бошқа халқларникидан ўзгача бўлиши, миллийликнинг яққол уфуриб туриши ва томошабинларнинг олқишига сазовор бўлгани бежиз эмас. Мустақиллик йилларида ўзбек рақс санъатининг тарихий аъёналари ва усулларини тиклаш, миллизмизнинг ўзига хос шарқона фазилатлари, бой маънавиятига монанд рақсларни тарғиб этиш учун шарт-шароитлар, замонавий миллий рақс мактабларини яратишга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Президентимизнинг 1997 йил 8 январда қабул қилинган "Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисидаги"ги фармонида мувофиқ М.Турғунбоева номидаги "Ўзбекрақс" иходий бирлашмаси ташкил этилганлиги миллий рақс санъатимизнинг янада ривожланишига пойдевор бўлди.

Бошловчи рамзий фестивалнинг якунига етаётганини, томошабинларга имкон қадар турли халқларнинг миллий рақслари ҳақида маълумот беришга



номланувчи ҳаракатли ўйини миллий либосда ихро этилади. Раққосларнинг таъкидлашича, германияликлар турли томошалар, байрам тадбирларида (асосан Мюнхен шаҳрида) биргаликда ўйинга тушишади. Шундан сўнг сахнага тайванлик қизлар икки қўлида елпигич тутган ҳолда чиқиб келишди. Рақс техникасига кўра, улар мазкур элемент билан турли-туман ҳаракатларни амалга ошириб, жозибали чиқишлари билан томошабинлар ҳаяжонини янада оширишди.

Махсус мусика асбоби билан ихро этилган мусикадан зал тинчланди. Қўлларини ҳар томонга қўзиб ҳаракатга келтираётган қизларнинг рақс давомида томошабинлар билан ҳам ўзаро мулоқотга киришгани эътиборни тортди. Уларнинг ниқоб билан қопланган юзи ва кўз қарашларидан қандай мазмун ифодаланганлиги англашилиб турарди.

Наватбадгаги чиқиш эса японияликлар томонидан ихро этилди. Бу аънавий сахна драмаси "Кабуки"да ихро этиладиган "Нихон Буйе" миллий рақси эди. Раққослар рақсини япон миллий либоси киманода миллий мусика асбоблари — Уд ва Шамисен оҳангиди ихро этишди.

Нихоят, томошабинлар олқиши остида ўзбек раққос йигит-қизлари миллий либослар билан сахнага чиқиб келишди. «Хоразм лазгиси» янгради ва рақси ихро этила бошланди. Биласизми, ушбу рақс техникаси турли босқичлардан иборат, яъни бошида энг содда ҳаракатлар билан ихро этилиб, мураккаблаштириб борилади. Раққослар олдин бармоқ, билак, елка, қўл, оёқ орқали ихро этиладиган ҳаракатларни бажариб бутун танани жонлантиради. Хоразм лазгиси нафақат халқимиз, балки дунёнинг бошқа мамлакатларида истиқомат қилувчи санъатсаварлар томонидан ҳам эътироф этилган.

ҳаракат қилганини таъкидлаб ўтди. Бошловчининг фикрларига қўшимча сифатида ушбу маълумотларни келтириб ўтишни лозим топдик. Мамлакатимиз ҳудудидан топилган археологик топилмаларнинг гувоҳлик беришича, рақс санъати жуда қадимдан мавжуд бўлган ва ҳунармандчилик, деhqончилик билан боглиқ ҳолда шакллана бorgan. Аҳоли зардуштийлик динига эътиқод қилган даврларда халқ рақслари ва профессионал рақс турлари ривожланган. IV–VIII асрларга келиб Самарқанд, Бухоро, Шахрисабз, Токент ҳудудларидан етишиб чиққан рақс усталари Буюк ипак йўли бўйлаб дунёнинг турли мамлакатларида ўз истеъдодларини намоийш этишган. Хусусан, Хитойда аждодларимизнинг "Хусюань" рақси донг таратган. Мазкур санъат тури, айниқса, Амир Темир даврида равнақ топган. "Муножот", "Тановар", "Лазги" рақслари моҳир ихрочилар репертуаридан жой олган.

Халқларни дунёга танитадиган нозик санъат турларидан бири — рақсдир. Унинг ижроси, сўзсиз, инсонга таъсир қилади, қайси тилда сўзлашишдан қатъи назар, ҳамма учун тушунарли, барнага бирдек эстетик завок бағишлайди. Юқориди келтириб ўтилган рамзий тантанали кечада ҳам ҳар бир халқнинг асрлар давомида шаклланган ва авлоддан авлодга ўтиб келаётган бебаҳо мероси билан қисман бўлса-да таништиришга ҳаракат қилдик.

Таъкидлаш жоизки, жаҳон ҳамжамиятининг миллий қадриятлар ва аъёналарини қадрлаш, бебаҳо санъат асарларига чуқур ҳурмат туйғуларини сингдиришга қаратилган саъй-ҳаракатлари бугун анча жадал ривожланмоқда. Авлоддан-авлодга ўтувчи бундай миллий қадриятлар, бир сўз билан айтганда, халқни халқ қиладиган миллий ўзлик демакдир.

Ҳамида УСМОНОВА
тайёрлади.

2014-yil 29-mart, № 26 (8675)

ФАОЛ ОНА — ФАОЛ БОЛА

500 нафар она ва уларнинг фарзандлари ўртасида ўтказилган тадқиқотларда она қанчалик фаол бўлса, фарзанд ҳам jismonий жиҳатдан ҳаракатчан бўлиши аниқланди.

Кембриж ва Саутхемптон университетлари олимлари ҳамкорликда олиб борган изланишлар мобайнида оналар ва болаларнинг jismonий ҳаракатчанлиги бир ҳафта давомида юрак частоталарини қайд этиб боровчи сенсорлар ёрдамида кузатилади.

Изланишлар натижасида болаларни jismonий фаоллаштириш учун, биринчи навбатда, оналар ҳаракатчанлигини ошириш лозим, деган хулосага келинди.

Онанинг jismonий ҳаракатда ўтказган ҳар бир дақиқаси ўз навбатида боладаги фаолликни 10 фоизга оширади. Агар она бир соат давомида jismonий ҳаракатдаги бирор юмуш билан банд бўлса, ундан ўрнат олиб ўсаётган фарзандда бу ҳаракатчанлик қўшимча 6 дақиқага ортар экан.

Аксарият ҳолларда фарзандини дунёга келтирган оналарда фаоллик бирмунча камайиши кузатилади. Шу боис мутахассислар аёлларга туғруқдан кейин ҳам jismonий фаолликни максимал даражада сақлаб қолишни тавсия қилишмоқда. Зеро, фаолликни ошириш болалардаги туғри ҳаракатланиш кўникмаларининг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

ТРИЛЛИОН ХИЛ ҲИДНИ АЖРАТА ОЛИШ МУМКИН

Узоқ йиллар давомида олимлар инсоннинг ҳид билиш аъзолари тахминан 10 минг хилдаги ҳидларни ажрата олади, деган фикрда эдилар. Бироқ Рокфеллер университети ҳамда Гарвард Хьюз тиббиёт институти тадқиқотчилари бир қатор изланиш ва таҳлиллардан сўнг инсон бурни триллион хил ҳидни ажрата олиш қобилиятига эга, деган қарорга келишди.



Тадқиқот муаллифларидан бири, биокимёгар Лесли Восшелл 26 нафар эркек ва аёлдан иборат гуруҳдан 128та ҳар хил ифорга эга молекулалардан ташкил топган мураккаб таркибли аралашмани ҳидлашни сўради. Бунда уч илдидан иккитаси бир хил ҳидга эга эди. Гуруҳ иштирокчилари биринчи илдидидаги ифторларнинг қолган икки илдидан қандай фарқларга эга эканини ажрата олишди.

Эркек ва аёллар улардаги фарқни 50 фоиздан зиёд ҳолатда туғри топишди. Шундан сўнг олимлар экстраполяция йўли билан инсон тахминан триллион хил ҳидни фарқлай олишини аниқлашди. Уларнинг қайд этишича, бу кўрсаткич яна ҳам ортиши мумкин. Сабаби, изланишда қўлланилган аралашмадаги молекулалар сони унчалик ҳам кўп эмас эди.

ТАОМ КАЙФИЯТНИ БУЗАДИ

Пенсильвания университети (АҚШ) изланувчилари зарарли таомлар, улар қанчалик мазали бўлмасин, кайфиятга салбий таъсир этишини аниқлашди. Айниқса, фаст-фут овқатлари ортиқча вази ташвишдаги аёллар кайфиятига кўпроқ салбий таъсир кўрсатади.



Олимлар изланишлар жараёнида овқат ҳазм қилиш тизимида муаммога дуч келмаган 131 нафар талаба қизни компьютер тестидан ўтказди. Ушбу тестлар қизларнинг қандай таомлар истеъмол қилиши ва бу кайфиятга қанчалик таъсир

кўрсатишини билишга қаратилган эди.

Изланишлар жараёнида бироз тушкун кайфиятда бундай таомларни истеъмол қилган қизларнинг руҳий ҳолати янада ёмонлашган.

Қайд этиш жоизки, мазкур тадқиқот ўтган йили ўтказилган бошқа бир изланиш билан ўзвий боғлиқ. Ушанда фаст-фут таомларини тез-тез истеъмол қилиб турувчиларда 51 фоиз ҳолатда депрессия аломатлари кузатишган эди. Олимларнинг таъкидлашича, улар қанчалик кўп носоғлом овқатларга ружу қўйса, руҳий асоратларга ҳам шунчалик кўп дуч келишади.


ҚОРА ПОМИДОР ФОЙДАЛИРОҚ

Шу вақтга қадар бинафшаранг сабзи, сариқ ошқовоқ (кабачки) ва бошқа ноодатий рангдаги сабзавотлар ўстириганини эшитганмиз. Сўнги йилларда иссиқхоналарда қора рангли помидорлар ҳам етиштирила бошланди. Бир қарашда унинг фойдалилиги ўзига яраша, қолаверса, генетик жиҳатдан ўзгартirilgan бўлиши мумкин, деган тасаввур уйғотса-да, аслида помидорлар ватани ҳисобланмиш Жанубий Америкада VIII асрдан қора тусдаги помидорлар табиий равишда етиштирилган.

Бундай помидорлар хомлигида бошқаларидан фарқ қилмайди. Пишиб етилгани сайин ранги қорайиб боради. Уларнинг таъми эса қизил помидорларга қараганда анчагина тотли бўлиб, олатда қовуриб ейиш ёки салатларга солишда фойдаланилади. Биологларнинг фикрича, бу турдаги помидорлар анъанавийларига қараганда анчагина фойдали хусусиятларга эга. Масалан, "Индиго атиргули" деб ном олган янги помидор нави антоциан ва антиоксидантларга бой бўлиб, ортиқча вази қарши курашишда самарали восита ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, қора помидорни АҚШдаги Оригон штати университети профессори Жим Майерс бошчилигидаги тадқиқотчилар етиштирди. Дастлаб олимлар бир қанча ёввойи турдаги помидорлардан бинафшаранг сабзавот олиш устида иш олиб бориб, натижада қора тусдаги ноодатий помидорни етиштиришга муваффақ бўлишди.

С.РУСТАМОВ тайёрлади.



ДУШНИ ДУШМАНГА АЙЛАНТИРМАЙЛИК

Азалдан олов инсоннинг дўсти бўлиб келган. Аммо ундан нотўғри фойдалансангиз, энг хавфли душманингизга айланиши мумкин. Ёнгинларнинг содир бўлишида, албатта, инсон омили сабаб бўлади ва оқибатда тузатиб бўлмас асоратлар келиб чиқади. Айрим инсонларнинг бефарқлиги оқибатида келиб чиқаётган ёнгинлар катта миқдорда моддий зарар келтиришини англаб етишимиз лозим.

Ёнгинлар маҳаллаларда, уйлар ҳамда хонадонларда чиқиндиларни ёқиш, электр ва газ жиҳозларининг ёниқ ҳолда қолдирилиши, газ плиталари жойини ўзбошимчилик билан ўзгартрилиши, уларнинг устида кийимларни қуритиш, хонадон ичида чекиш, ёш болалар томонидан гугурт ёки электр воситаларидан фойдаланиш оқибатида келиб чиқади. Бундай ҳолларга йўл қўймаслик учун, энг аввало, катталар доимо хушёр бўлишлари, болаларга ҳам тушунтиришлари талаб этилади.

Ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳар бир инсон ўз оила-сини ва бошқалар ҳаёти ва мол-мулкини сақлаб қолишини унутманг. Яна шуни ёдда тутиш лозимки, ёнгин ҳақида бирон-бир хавфни сезганда ҳудуддаги ёнгин хавфсизлиги бўлими ходимларига зудлик билан хабар қилиш орқали ҳам халқ мулки ва инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш мумкин.

Зойир АКБАРОВ,
12-ҶЕХ а/п смена бошлиғи, капитан

реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама

ҚАЙТА ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

Тендер тартиб рақами: 8-MRT-2014/8

Тендер номи: Дарслик ва ўқув қўлланмаларни қайта нашр этиш уюшасидан қайта тендер савдолари.

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.

Манзил: 100159, Тошкент шаҳри Мустақиллик майдони, 5-уй.

Молиялаштириш: Давлат бюджети ва Республика мақсади китоб жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Мазкур тендер савдоларига дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни нашр этиш учун нашриётлар таклиф этилади.

Тендер савдоларида янги ташкил этиш (бўлиш, қўйиш ва ҳоказо), тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлмаган,

давлат реестрида рўйхатга олинганга олти ой мuddатдан кам бўлмаган, шартномаларни бажармаганлиги учун судга тортилмаган, дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни нашр этиш билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган ҳамда илгари вазирлик билан тузилган шартномалар бўйича мажбуриятлари тўла бажара олган нашриётлар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Қатнашчи буюртмачига шартномани бажариш имконияти ва малакаси борлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши ва мазкур ҳужжатлар тендер ҳужжатининг иккинчи бобида келтирилган талабларга тўлиқ жавоб бериши лозим.

Қайта нашр этиладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмалар ҳамда уларнинг адади қуйидаги jadвалда берилган:

Лот рақами	Дарсликлар ва ўқув қўлланма номи	Тили	Ёзуви	Адади	Бир донa махсулотнинг максимал нархи (сўмда)
9-синф					
47	Она тили	ўзбек	лотин	426540	1 570,80
	Русский язык	рус	кирилл	42943	1 869,16
	Қорақалпоқ тили (Qaraqalpaq tili)	қорақалпоқ	лотин	10075	3 002,50
	Қозоқ тили (Qazaq tili)	қозоқ	кирилл	5592	3 831,57
	Қирғиз тили (Kyrgyz tili)	қирғиз	кирилл	843	16 712,76
	Тожиқ тили (Zaboni tojik)	тожиқ	кирилл	7830	3 444,39
	Туркман тили (Turkmen dili)	туркман	лотин	1021	14 341,44

Мазкур дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг бошланғич қиймати туғрисидаги маълумотлар талабгорларга Тендер ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Тендер савдоларида қатнашиш истagini билдирган ва Тендер ҳужжатларини харид этган корхона ва ташкилотлар 2014 йил 29 мартдан бошлаб ҳар кун (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат 10:00 дан 17:00 гача тендер савдоларига тегишли қўшимча маълумотларни Тендер комиссиясининг ишчи органи Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги "Дарсликлар ва ўқув методик адаби-

ётларнинг янги авлодини яратиш" бўлимидан (Манзил: 100159, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, 319-хона, телефон (+99871) 239-40-83, факс (+99871 239-40-81) олишлари мумкин.

Тендер ҳужжатлари асосида талаб этиладиган барча ҳужжатлар таклифнинг умумий қийматининг бир фоизидан кам бўлмаган закалат суммаси билан бирга 2014 йилнинг 4 апрель кунини соат 14:00 га қадар Республика таълим марказига топширилиши шарт. Шу вақтдан кечиккан таклифлар қабул қилинмайди. Тендер таклифлари 2014 йил 4 апрель кунини соат 15:00 да Республика таълим

марказида (Манзил: Тошкент шаҳри, Фуркат қўчаси, 174-уй) бора қатнашчилар вакиллари иштирокида очилади.

Тендер комиссияси Тендер ҳужжатининг I боб 6-бандида белгиланган тартибда Тендер ҳужжатларига қўшимчалар киритиш орқали таклифлар топширишининг охириги мuddатини узайтириши мумкин. Шундай ҳолатда барча қатнашчиларнинг ҳуқуқлари ўзгарган мuddатга мутаносиб равишда ўзгаради.

Буюртмачи қатнашчилар томонидан тендер таклифини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган харажатларга жавобгар эмас.



СУРХОҶДА САЎТЛА

Баҳор келди дегунча бир кунни белгилаб қирга — Наврӯз сайлига ошиқадилар. Тонг оқаргандан — чошгоҳга қадар лапарлар, термалар айтишиб, корсон тобоқларда келтирган кўк сомса, кўк чучвара, сумалак, тўнтарма ва бошқа таомлар билан дастурхон безайдилар. Қишлоққа бу йил тушган келинчақлар шу иш билан шуғулланаяпти: бирови қурга келаяпти, бирови кетаяпти. Ўралтош опа улар қўлидаги неъматларни олиб, дастурхонга тортаяпти...

Янгиариқликлар ўт-ўланлари мўл жойдан давра қурган. Қурашга қизикқан борки, шу даврада. Удумга кўра, Худойберди бобо билан Сафархон бобо олишиб бўлгач: «Тобоқни ҳалоллаб оlingлар. Бу муқаддас майдон — мardлар давраси, чиданган чиқсин. Фирром олишмangлар, эл кузатиб турибди, жигит пири қўлласин», дея ёшларга оқ фотиҳа бердилар. Яктак кийиб, белини белбоғ билан маҳкам чийиб боғлаган талабгорлар бирма-бир даврага чиқиб келишяпти. Йиқилганнинг орига акиси, тоғаси, бўласи ё дўсти чикаверганидан давра қизигандан қизиб бораёпти.

Даврани кузатиб ўтирган Турсунбой бобо орқасига қараб: «Тортсанг-чи, жонинг борма ўзи, э, сени қара», дея арқон тортшайётганлар даврасидаги неварасига дакки берганини эшитган Орол бобо ёшларга хаваси келиб: «Булар ҳали баччада, бўмса, қизлар билан жиб тортшадима, қувалаш ўйнайдима, ҳали қизларга қўшилмай қўяди», дейди, тўлиғига ўрмалаётган кумурсқани олиб ташларкан.

Ўтирганларнинг елкасини кўёш қиздира бошлаган бир пайтда бақовул тобоқлар тугаганини билдирди. Ўтказганларга мактовлар айтилиб, ютганларга чопонлар ёпилди. Шундан сўнг қураш ўтган давранан анча пастроқдаги текис ва каттароқ жойнинг бир бошига Тиломвурдиннинг телпаги билан Жовлининг қалиши, бошқа томонига эса Чўтбойнинг чопони билан Ўразнинг нимчаси дарвоза қилиб қўйилди. Ҳозир ўтганларнинг хотирасига бағишлаб дўнгқишлоқликлар билан пастқишлоқ-

Чақалоққа атаб терак эканган Кўлдош боғбоннинг қулоғига адирдан чанқовузнинг товуши эшитилгандек туйилди. Чап қўлини қулоғига «карнай» қилди-да, ажиб куй садоларига сел бўлиб ўша томонга «Булар ким бўлди экан», деган хаёл билан ўнг қўлини кўзига соябон қилиб узоқ термулиб қолди.

Тепалиқдан пастга чопайётган болалар, ўчоқ қазийётган эркаклару ўйин-кулгу қилаётган аёллар, давра қуриб кураш тушайётган полвонлару хўроз уриштирайётган ўсмирлар, арқон тортшайётган баҳодирлар ва, ниҳоят, қувлашмачоқ ўйнаётган қизларга боқиб уларнинг қайси қишлоқдан эканлигини билиш қийин эди. Шунда унинг ўткир кўзлари ўтов тиклаётганлар орасида Тўра раисни таниб қолди. Энди улар кимлигини билди, янгиариқликлар экан.

ликлар ўртасида тўп ўйини бошланди. Соврин — чарм тўп. Хайитмурод ака ҳакам тўп. Бойтўра милициянинг хуштагини бўйнига осиб олган.

Қирдан топиб олган тошбақасига қумдан уя ясаётган Жаҳон билан Шохрухга Ўлмас «Қаранглар камалак», дея мактаб томонга ишора қилди. Эшназарнинг елкасидаги қизи осмонда буралиб-эшилиб учаётган варракка қараб, бошини орқасига ташлаганча, қикирлаб кулади. Камалакка анграйиб қолган Шодикул варрак ипини қўйиб юборганди. Энди ушлайман деб орқасидан чопаяпти.

У варрагини қувиб кетаятган бир пайтда тўп ўйини бошланди. Кўзибой бобо унга қизикмаса керак, четроқда эшакминди ўйнаётган болаларни ёнига чорлаб, бир нарсаларни ўқтирдилар, бобонинг ўзи узун чўпни олиб ҳайқиради:

Хўп ҳайда-ё, хўп ҳайда, Майда-ё, о майда, Сомонни қилгин майда, Майда-ё, о майда...

Тевараёрга йиғилганлар бобога жўр бўлади.

Анвар билан Зокир ўчоқни Жонқобил ака айтгандай кавлар экан, гоҳ у даврага, гоҳ бу даврага аланлагани аланлаган. Равшан ака, Ўроқ муаллим, Холтўра домла ширбоз сўйиб, гўштини қовурдоққа нимталаш билан машгул. Тушлик уларнинг гарданида.

Дўнгқишлоқликлар чарм тўпни бўлишди. Худди уларни табриклаётгандек турналар пастлаб учиб ўтаёпти. Қушларнинг ортидан «Гилам бўл!», «Кўрпа бўл!», «Гул бўл!», дея чопиб кетаятган болалардан дўмбоқроғи қирга қичолмай думалаб кетди. Нигоранинг пиқиллаб кулаётганини кўрган қайнонаси шайқаллаб кулади. Беш йилдан бери юкли бўлмайган, доим хомуш юрадиган келинининг хурсандлигидан кулдими, ё Рўзининг думалаганигами биров бўлмади. Шоиртабиат ўсмир Жонибек ҳам! У ҳозир қалдирғочларнинг парвозидан маст, қулоғининг орқасига қоқиғулни кистириб, оғзига чучмома-нинг бандини тишлаб чалқанча ётар экан, онасининг

«Тур, қулоғингга чумоли қириб кетади», деган жаврашини эшитмади. У ҳозир майсаларнинг шивирини хотирасида қайтараяпти:

Баҳор қандай яхши-я, Ассалом-эй,

қелдинг хуш. Қалдирғочлар уйғотгач, Бойчечакка

қелдим дуч...

У ҳали бу шивирларни ҳайқирикқа айлантириши кераклигини билмайди...

«Қачон овқатланамиз экан», деган ўй ҳамманинг хаёлидан ўтар-ўтмас, Боймурод аканинг «У-ў-ў, ҳамма бу ёққа келисин: Турдикул, жўраларингга айт, кейин ўйнайсилар», дея чорлаши адирда жаранглаб эшитилди. Бир майдон ўтиб янгиариқликлар дастурхон бошига йиғилса-да, таом ҳадеганда сузилавермади. Боиси, Зафар ака бахшини олиб келгани кетган, қишлоқликларнинг удуми шундай — бир киши кам бўлса ҳам овқат сузилмайди.

Ҳа дегунча, кампир шафтоли егунча, узоқдан чангтўзон аралаш оқ машинанинг қораси кўринди. Болалар ўша томонга қараб чопди. «Ана, келаяпти. Солавринглар», деди Ўнгбой ака ўчоқ томонга қараб. Қарши ака ўчоқ бошига уч-тўрт йигитни чорлаб келди-да, қишлоқда қолган кекса ва хаста қишлоқларга таом бериб юборди.

...Ҳожи бобо экканга, тикканга, пиширганга, тотганга узундан узоқ дуо ўқиди, Тоғаймурод домла ўтганлар руҳига Қуръон тиловат қилди. Шундан кейин Кумқўрғондан келган бахшини ёшу қари давра қуриб ўраб олди.

Бахши бобо чордона қуриб, «Бу савдолар ўтганда, бу дунёлар ёш эди», дея дўмбирасини чертиб-чертиб, дoston айта бошлади. Даврадагиларнинг дўмбиранаволарига тебраниши шомолда чайқалаётган бойчечакка ўхшаб кетади: боболар ерга қараб бош чайқалганча хаёлга берилган, ўрта ёшлар тиззаларини лиқиллатган, ёшлар баъзида ўрнидан туриб кетган, болалар гоҳ бахшига, гоҳ дўмбирасига қараб ўтирибди. «Равшанхон»даги Оққизни таърифлар экан, «Оқ қиз шундай қиз эди: оти Оққиз, Зулхуморга нақ қиз. Оқ қиз ўзи оқ қиз. Ўзи тўлган соғ

қиз, ўрта бўйли чоғ қиз, ўйнагани боғ қиз, уйқучи эмас, соғ қиз, эри йўқ — ўзи тоқ қиз, ўйинга қулайроқ қиз, тўғри ишга бўлайроқ қиз, ўзи анқов олайроқ қиз, қоракўз бодомқовоқ қиз, синли-сиёқ қиз, ўзи дўмбоқ — туриши ёғ қиз...», дея дўмбирасини чертган пайтда барча бирдан «Ҳайёр-а» деб қийқиради. Шу атрофда ўтлаб юрган қўй-қўзиларнинг бу қийқирикдан кўрага бўри тушгандай ҳуркиб тум-тарақай бўлиб кетгани, агар ҳозир ҳам кузатиб турган бўлса, Кўлдош боғбонга кўриниб тургандир-ов...

Ёшларнинг Алпомишу Равшанхондай бўлгилари келди. Ҳамсоя даврада лапарларга рақс тушайётган Ойсарау Офтобойлар кўзларига Барчинойдек бўлиб кўриниб кетаятган бўлса ҳам ажаб эмас.

Барчинойлар дегандек, аёллар даврасига ҳам бир мўраласак: галма-галдан Хилол момо лапар, Орзикулхон қўшиқ, Чиннихол опа алла, Беғам дўкончи терма айтаяпти. Жажжи қизалоқлар рақс тушса, каттароқлар бештош ўйнаёпти. Орзикулхон амама «Ойга тутам, кунга тутам, Сенга қуёв, менга палов», дея набирасини уялтириб, унинг сочини ўрар экан, Шаҳар момо синглиси Менгнихол опа билан ёшлигини эслаб қулашайётганига ҳам қулоқ бериб ўтирибди. Жонгил момо чанқовуз чалиб бўлгач, Иқлим полчи доира чалаёпти. Ора-сирада Мавлуда опанинг қизи Ўғилхон билан жияни Покизанинг шеър айтиши аёлларга ёшлиқларини эслатади.

Бешикка кўнжочларини белаб, «Қоч-қоч, бабаси, келди бешикнинг эгаси, ота-онанг гапийишса, қич-қийишса, бақийишса қўйқма...» деган термани момолари ўргатгандай айтаётган қизчаларни Жавҳар момо «Илоҳим, катта бўлиб фарзандларингни бешикларга белаб юриш ҳаммаларингга насиб қисин», дея дуо берди. Хуллас, бир аjoyиб, бир гаройиб давра қуриб хотинлар у ёқ-бу ёқдан суҳбатлашиб ўтирибди. Ўсма қўяётган бўй қизларга шу атрофда юрган йигитларнинг билдирмайгина қарганини, аслида, ҳамма билди...

Нимасини айтсам экан-а, пешингача адирда дўмбирау чанқовуз садолари, аёллар лапарияу эркаклар ҳазил-хузуллари тинмайди. Қуёш қир ортига чўка бошлади, янгиариқликлар «Ҳайю-хайт» дея от-уловларига миниб қишлоққа йўл олди. У ёқда қолган кайвонилару оғироёқ келинлар Ўлжамол момонинг ҳовлисида сумалак қайнатиб ҳори-маган. Сайилдан қайтган аёллар ва болалар тўғри шу ерга келади, фарзандталаблар тирноқ, дардмандлар соғлиқ, бошқалар элга қутбарақа, тўкин-сочинлиқ, бахту саодат сўраб дошқозонда қайнаётган сумалакка тош ташлади, сумалак кавлади.

Эркаклар эса қуриган дарахтларни араллаб, кун чўвоқда тобланган гўллардан ўтин ёради, ичакузди хангомалар айтди. «Эшбўри, шу қишлоғимиз боболарига мингдан-миг раҳмат, дейман-да, хотинимни ўзим ҳайдаб юборганман-да, олдида боришга бетим бўмаётувди. Болаларимни соғингандим», дейди жўрасига Чоршам уста. Гурунғга аралашган Панжи аканинг «Улар бошқа аразлашганларни ҳам яраштирибди, Мирзақул акиси билан ярашишга бўйин бермаган экан, Орол бобо ҳассасини кўтариб: «Энангни кўрсатаман ҳозир», деб дўқ урибди», деганидан кейин ҳамма кулиб юборди. Гурунғ давом этиб ўтган кунги хашарга уланди. «Қабристонни тозалашда барча бирдай катнашганини айтмайсизми, қишлоғимиз интипоқ-да», деди Баҳодир домла.

Қишлоқдаги баланд дарахт шохларига ҳалинчақлар осилиб, ёш йигит-қизлар учаркан, эзгу ниятлар қиладди. Болалар оқсуяк, ошиқ, чиллик, қулоққўзди ўйинларини ўйнаб, тонгни тунга улайди. Қош қорайди дегунча барча янгиариқлик болалар маталчи Қизлархон момонинг пинжига тикилиб бораверади. Тез айтиш ва топишмоқ топиш ўйинлари дошқозон атрофида йиғилганларнинг қайфиятини чоғ қиладди. Ёш болали аёллар тиззаларида ухлаб қолган болаларини кўтариб ўйларига тарқала бошлади. Момлар эса эрталабгача сумалак бошида ўтириб галма-галдан ухлаб олади. «Сумалакни ёлғиз қолдириб бўлмайди», дейди улар бир-бирларига.

Тонг оқара бошлади. Барча янгиариқликлар сумалак бўлаётган ҳовлига ошиқиб келаяпти, ҳар ким оиласидаги жон бошига қараб биров челақ, каталақ, яна кимдир коса кўтариб олган. Ҳамма ҳам бўлгач, сумалак очилди. Сумалакнинг бетига тушган бугдой билан ноннинг расмига қараб барчанинг ичидан шундай гап ўтапти: «Бу йил тўкин-сочинлиқ, қут-барақа йили бўлади!».

2014-yil 29-mart, № 26 (8675)

ТАРФИБОТНИНГ ТАЪСИРИ

спорт билан мунтазам шуг'ullanувчи болалар сонининг ортиб боришида намоён бўлмоқда


Спортга меҳр қўйиш, қизиқиш, мунтазам шуг'ullanиб бориш инсоннинг ҳар томонлама камолга етишига ёрдам беради. Айни пайтда спортни ҳаётининг мазмунига айлантирган киши ён-атрофидаги воқеа ва ҳодисаларга, инсонларга бефарқ бўлмаслик, тенгдошлари, ака-ука, опа-сингилларини ҳам соғлом турмуш тарзига тарғиб этиш, муваффақиятларга эришишига елкадош бўлишдек фазилатларга ҳам эга бўлади.

Халқ таълими вазирлигининг 2014 йил 18 февралдаги «Энг фаол болалар спорт тарғиботчиси» танловини ташкил этиш тўғрисида»ги буйруғи ҳам бир жихатдан ўғил-қизларимизнинг бир-бирини қўллаб-қувватлаб, уларда ижодкорлик, жамоани, ёшларни ортидан эргаштира олишдек ҳислатларни қарор топтиришга хизмат қилса, иккинчи томондан, спортсевар ёшлар сафини янада кенгайтириш, фарзандларимиз интилишлари орқали спортга иштиёқ муҳитини оилаларга янада яқинроқ олиб кириш мақсадида йўналтирилгани билан муҳим аҳамиятга эга.

— Мазкур танловнинг ташкил этилгани ниҳоятда зарур тадбирлардан бири бўлди, — дейди Навоий шаҳридаги 16-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби директори Нозима Тоғаева. — Ўртимизда болалар спортини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, барча имкониятларга эга спорт иншоотлари, заллари қуриб ишга туширилмоқда. Жумладан, таълим муассасамиз ҳам 2013 йили Инвестиция дастурига асосан капитал таъмирланди. Айни пайтда ўқувчиларимиз замонавий андозаларга мос жихозланган спорт зали, футбол ва волейбол, баскетбол, кўл тўли майдонларида ўзлари қизиққан спорт тури билан мунтазам шуг'ullanиб келишмоқда. Уларга ўз касбининг фидоиси бўлган малакали жисмоний тарбия ўқитувчилари сабоқ бериб, тўғарак машғулотларини олиб боришаётир. Спорт зали ва майдончалари 32 турдаги жихозлар билан таъминланган, яроқсиз ҳолга келиб қолганлари эса доимий равишда бюджетдан ташқари маблағ ҳисобидан



Eng faol bolalar sporti targ'ibotchisi



тўлдириб борилади. «Энг фаол болалар спорт тарғиботчиси» танлови қизгин давом этмоқда. Ўқувчи ва ўқитувчиларга танловнинг мазмун-моҳияти тушунтирилиб, мактабда «Спорт тарғиботчилари» бурчаги ташкил этилди. Унда танлов натижалари, тарғиботчилар фаолиятига доир ижодий ишлардан намуналар бериб боришмоқда.

Сўнгги йилларда мактаб спортчи ёшлари бир қатор муваффақиятларни кўлга киритиб келмоқда. 2012 йили энгил атлетикачи Акмал Нарзуллаев республика миқёсида ўтказилган мусобақада фахри биринчи, Жаҳон Ҳамидов эса фахри учинчи ўринни эгаллашди. Гавҳар Алимова эса стол теннис бўйича 2013 йили Фарғонада бўлиб ўтган Ўзбекистон

чемпионатида иккинчи, Достон Муҳаммадиев ва Нурлан Қўқоров ўтган йили Бухорода ўшбу спорт тури бўйича ташкил этилган Ўзбекистон чемпионатида учинчи ўринни кўлга киритишди. Мактабда «Сўғдиёна» спортчи ёшлар жамоаси ташкил этилган бўлиб, унинг аъзолари 2011 йили «Қувнок стартлар» телемусобақасининг республика босқичида ғолибликни кўлга киритган.

— Тўрт ёшимдан буён бадий гимнастика билан шуг'ullanаман, — дейди 5-«А» синф ўқувчиси, спорт тарғиботчиси Нозима Субҳонова. — 2012 йили пойтахтимизда бўлиб ўтган халқаро турнирда учинчи, бу йил Бухорода уюштирилган турнирда эса иккинчи ўринни кўлга киритишимда, албатта, мактабимизда яратилган шарт-шароитлар, устозлар кўмағи муҳим ўрин тутди. Айни пайтда спорт тарғиботчиси сифатида тенгдошларимни ҳам спорт билан фаол шуг'ullanishга қоралаймман. Мураббийларим, ота-онам кўмағида спортнинг инсон саломатлигига тутган аҳамиятига оид манбаларни ўрганиб, танловга пухта ҳозирлик қўрайман. Шунинг билан таъкидлашни истардимки, тенгдошларим орасида спортга меҳр қўяётганлар кўпаяётгани қувонарли.

«Спорт тарғиботчиси» бўлиш зимманимизга катта масъулият юклатди. Синфдошлар ишончини қозониш, уларга муносиб ўрнатилган осон эмас экан. Синф раҳбаримиз кўмағида ота-оналар мажлисида синф спорт тарғиботчиси сифатида ўз тақдирларини билан иштираётган имконига эга бўлдим. Бу эса, ижодкорлигимнинг ошиши, феъл-ишда дадиллик, ишонч билан ҳаракат қилишдек ҳислатларнинг қарор топишига ёрдам бераёпти.

Навоий шаҳар ХТМФМТЭ бўлими томонидан ўшбу таълим муассасасининг «Энг фаол спорт тарғиботчиси» танловини ўтказиш бўйича таянч мактаб этиб белгилангани юқоридаги сингари ижобий ишларнинг янада кенг қўлч ёйишига туртки бўлаётди.

Ойбуви ОЧИЛОВА



ТЎГАРАККА ОШИҚАЁТГАН ҚИЗЛАР

Пойтахтимиздаги 485-мактабга-ча таълим муассасасида тарбияланётган 180 нафар боланинг барчаси фан ва спорт тўғаракларига жалб этилган.

Муассасада, айниқса, бадий гимнастика тўғарига фаолияти намунали йўлга қўйилган бўлиб, унга қизиқувчи қизлар сони ошиб бормоқда. Бадий гимнастика мураббийси Юлдуз Икромова Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти тугатиб боғчага ишга келди ва тез орада қизларнинг сеvimли устозига айланди. Боғчада тарбияланган қизларнинг аксарияти шу тўғарак томон ошиқади. Бугун қизалоқларнинг бу спорт тури элементларини иштиёқ билан қизиқиш билан бажараётгани барчани қувонтирмоқда.

Шунингдек, мактабга-ча таълим муассасаси тарбияланувчилари орасида шахмат-шашка, ракс, тасвирий санъат, моҳир кўллар ва инглиз тили тўғаракларига ҳам қизиқиш катта.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.



Ушбу ўйин ҳар бир халқда турли ном билан аталади. Қирғизларда «кок-пари», форсий тилда сўзлашувчи халқлар орасида «бўзқаш» (тортишиш ўйини), русларда «козлодрание» деб юритилади. Бизда эса у «кўпқари», «улоқ», «кўкбўри» номлари билан машҳур. Кўпқари кўпинча халқ сайиллари, байрам тантаналари, тўй-ю томошалар муносабати билан ўтказилади. Кўпқаридан бир кун олдин чавандозлар мусобақа жойига етиб келишди ва улар тунаб қолган қўноқларда тонгга қадар «кўз кўриб, қўлоқ эшитмаган» ҳазил-мutoйибалар, латифалар, гаройиб афсоналар ҳақида қизгин суҳбатлар бўлиб ўтади. Устоз полковлар ёдга олинади. Бахшилар ижросида достонлардан парчалар ва термалар айтилиб, чавандозларнинг тантилиги, улоқчиларнинг ажайиб ҳислатлари ҳусусида гап боради.

Мусобақадан аввал отларга ҳам алоҳида эътибор берилиб, орқича озуқа ва сув берилмайди. Қолаверса, чавандозларга қамчи зарбидан сакловчи махсус кийимлар тарқатилади. Томошабинлар интиқ кутаётган кенг майдонда ҳақиқий мусобақа бошланишидан олдин отларни қиздириб олиш учун «қоқма» ўйини ўтказилади. Бу ўйин иштирокчиларининг акса-



ФАЙРАТИНГНИ КЎРСАТ, ЧАВАНДОЗ!

Борлиққа ўзгача жозиба ва кўтаринкилик бахш этаётган баҳор фасли файзли айёмлар, гўзал байрамларга бой. Ўртимизга таширғ буюрган Наврўзи олам ана шундай муборак айёмлар гултожи. Наврўз барча туркий халқларда янги йилнинг бошланishi сифатида кенг нишонланиб келинган. Ушбу кун арафасида чор-атроф ободонлаштирилиб, кўкамламзорлаштирилди. Миллий таомлар тайёрланиб, турли маросимлар, халқ ўйинлари ўтказилади. Бештош, чиллак, дор устида юриш, варраклар сайли, арқон тортиш сингари инсонларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий камолотга етакловчи кўпқари миллий ўйинларимиз шулар жумласидан. Улар орасида, айниқса, улоқ-кўпқари мусобақаси йигитларни жасурилик, мардлик, ҳалоллик, эпчиллик руҳида тарбиялашда жуда катта аҳамиятга эга.

рияти ёш чавандозлар бўлиб, қатнашчилар сонига қараб майдонга навбати билан иккита ёки учта улоқ ташланади. Ёш чавандозлар улоқни тўдадан айириб олиш учун чапдастикларини синовдан ўтказишади. Бунинг уddасидан чиққан ғолиб-га соврин сифатида улоқ берилади. Бу ўйини поёнига етган, отлар совутилиб, навбат ҳақиқий кўпқари мусобақасига бе-

рилади. Мусобақанинг бош ҳақами, яъни бақовулбоши фотиҳа торғатч, чавандозлар отини югуртириб, тўдага ўзини уради. Томошабинлар: «бугун файратларингни кўрамиз-да», «бошини қўй, човмига қамчини шигаб бер», «бўш келма, азамат, маҳкам тут», дея ҳайқариб, чавандозларни қўллаб-қувватлаб туришади. Чавандоздан от устида эгилиб, улоқни

бир ҳамлада даст кўтариш, уни усталик билан тақимиға босиш, рақибларидан ўзиб кетиш учун катта тажриба, маҳорат ва эпчиллик талаб этилади. Шу боис, мусобақада ғолибликни кўлга киритиш барчага ҳам насиниб этавермайди. Ўйин сўнгига қадар ғолиб чавандозга қўзи, қўқор, ҳўқиз, от, тую каби турли совринлар берилади.

Ўртимизда кўпқарининг

«Улоқ айириш», «Меҳмон келди», «Қоралиғ» каби қоидалари мавжуд.

— Отам раҳматли чорвадор бўлган. Мен доим ёнларида юриб, отларни парваришлардим, — дейди кўлбулоқлик чавандоз Сунунбек Эргашев. — Шундан бўлса керак, бу хосият-ли жонотта ёшлигимдан меҳрим ўзгача. От нафақат садокатли дўст, дастёр, балки, хонадоннинг хазинаси сифатида ҳам эътироф этилади, қолаверса, бу жонивор инсон руҳиятига ижобий таъсир ўтказувчи кучга эга. Бир неча бор кишлоғимизда ўтказилган мусобақаларда иштирок этиб, чавандозликка бўлган қизиқишим тобора ортиб борди. Кейинчалик вилоят, республика мусобақаларида қатнашиб, ўшбу спорт турининг спорт-аспорларини кунт билан ўргандим ва улоқ-кўпқари спорт бўйича Ўзбекистон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлдим.

Узоқ йиллардан буён ота-боболаримиздан қолган мерос, ўзига хос анъана бўлиб яшаб келаётган кўпқари ўйини чавандозларда мардлик, уddабуронлик, довораклик, чопқорлик, зуққолик ва ақл-идрок фазилатларини шакллантиради. Зеро, Алломиш издошлари бўлган эр йигитларимизга шундай ҳалол ва мардонавор кўрашлар ярашади.

Нигина ХЎЖАЕВА,
ЎЗМУ талабаси



КИТОБ-ҚАЛБ ГАВҲАРИ,

КҮНГИЛ ЗИЙНАТИ

Yengi ASR avlodi

Навқирон авлод ва маънавият хизматида

КОМИЛЛИККА ЕТАКЛОВЧИ АСАРЛАР

Баркамол авлод ва маънавиятли ёшлар, сўзсиз, миллат ва давлат таянчидир. Юрт пойдевори маънавият билан мустаҳкамланса, мамлакат ривожланади, дунё ҳамжамиятида ўз муносиб ўрнини топади.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ташаббуси билан «Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази «Камолот кутубхонаси» рукнида ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг дурдона асарларини нашр этишга киришди. Китоб жавонингизга тақдим этилаётган 100 номдаги жаҳоҳир том маънода тенгсиз, адабий-бадий дурдона асарлардан ташкил топган. Ушбу рукн остида чоп этилаётган китобларимиз нафақат йиллар, балки асрлар оша вақт синовидан ўтган ўзбек ва жаҳон адабиётининг 100 номдаги сара намуналари бўлиб, уларнинг ҳар бири бугунги давр ўқувчиси учун бебаҳо маънавий озуқадир.

Бу асарларни ўқиган ҳар бир китобхон қалбидан Ватанга садоқат, эл-юртга фидойилик, меҳр-муҳаббат каби юксак умуминсоний ва умуммиллий қадриятлар жой олади.

Инсоний фазилатлар улуғланган, муҳаббат ва садоқат куйланган, жиноят ва жаҳолатнинг жазоси исботланган, комилликка етакловчи 100 асар юртимизнинг қалби уйғоқ фарзандлари мутолаасига мунтазир!

Anvar
OBIDJON



Atrofimizdagi
qiziqchilar

Anvar
OBIDJON



Kulgili
tushlar

Xudoyberdi To'xtaboyev

Quyonglar
sultanati

Anvar
OBIDJON




Mehnatdovron
jahnga
o'tlanti

Xudoyberdi
TOXTABOYEV

KIZ BOLAGA
TOHI OTMANG

Anvar
OBIDJON




Alamazon
va uning
piyodalari

Jonathan
Swift

Gulliverning
sayohatlari



Anvar
OBIDJON



0099
raqamli
yolg'onchi

Антуан де Сент-Экзюпери

Кичкина
шахзода



Tohir
MALIK

Ko'ngil
nimadan
qorayadi



Tohir
MALIK

Saodat
saroyining
kalifi



Tohir
MALIK

Vijdon
uyg'onur



Эрнест
Хемингуэй

Чол ва
дегиз



Виктор
Гюго

Клод
Ге



Александр
Дюма

Граф Монте-Кристо



Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi
vazirligi, O'zbekiston Oliy
va o'rta maxsus ta'lim
vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va
madaniyat xodimlari
kasaba uyushmasi
Markaziy kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-
NAZAROV, Baxtiyor DONIYO-
ROV, Farrux JABBOROV (bosh
muharrirning birinchi o'rinbosari),
Husan NISHONOV (bosh muharrir
o'rinbosari), Farhod RIZAYEV,
Nurlan USMONOV (bosh muharrir
o'rinbosari, "Учитель Узбекиста-
на"), Mirzakarim XUDDIYEV,
Baxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib),
Aleksей CHUKARIN (mas'ul kotib,
"Учитель Узбекистана"), Sa'dulla
HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida № 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



INDEKS: 149, 150. F-328.
Tiraji 66235.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

"Ma'rifat"dan materiallarni ko'chirib bosish
tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.
Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqir-
qilinmaydi va maallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy
o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 233-
53-14, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi
yangiliklari bo'limi — 233-56-45, adabiyot, madaniyat,
kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 233-
54-49, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari
bo'limi — 233-54-63, siyosat, xalqaro hayot va sport
yangiliklari bo'limi — 233-76-40, reklama va marketing
bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.

Navbatchi muharrir:
Zohidjon XOLOV.

Navbatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

"Sharq" nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxona manzili:
"Buyuk Taron" ko'chasi, 41-uy

1 2 4 5

ЎЗАКУНИ — 21.55
Topshtirildi — 22.00